

СОЛИҚ ва
БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

1994 йил январдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

№ 33 (1305) • 2019 йил 13 август

ISSN 2010-524X

УШБУ
СОҒДАЧегириладиган ва
чегирилмайдиган харажатлар

2-бет

Инвентарлаш шакллари тўғри
тўлдирилганми?

3-бет

Сентябрь.
Солиқ тўловчининг тақвими

4-бет

САВДО УСТАМАСИ БЎЙИЧА
ҚҚСТоварларни кириш қилиш
ва сотишнинг бухгалтерия
проводкалари

14-бет

Вақтинча олиб кирилган
автомашинанинг «тақдири»

15-бет

«ТЎҚИМА ИМТИЁЗ»ДАН
ФОЙДАЛАНИБ...Божхоначилар
қонунбузарларни аниқлади

16-бет

ХОМ ИПАК
ЭКСПОРТИ
БЎЙИЧА
ИМТИЁЗЛАР
Қўлланилади

2019 йил 1 январдан қўлланиладиган солиқ имтиёзлари татбиқ этилмайдиган экспорт қилинадиган хом ашё товарлари рўйхатига бироз тузатиш киритилди (31.07.2019 йилдаги ПФ-5777-сон Фармон).


Эслатиб ўтамиз, 2019 йил 1 январдан бошлаб товарлар (ишлар, хизматлар)ни, шу жумладан, комиссиянер (ишончли вакил) орқали реализация қилишдан тушган умумий тушумида экспорт улуши 15%дан юқори бўлган юридик шахслар солиқ солинадиган базани экспортга реализация қилиш ҳажмига тўғри келадиган фойда (реализация қилиш ҳажми) қисми юзасидан фойда солиғи ва ЯСТ бўйича камайтиради.

Бироқ бу имтиёз халқаро ташишлар (автотранспортдан ташқари) ҳамда узатиш қувурлари ва газ қувурлари орқали етказиб бериш хизматларига, шунингдек алоҳида рўйхатда кўрсатилган хом ашё товарларини экспорт қилишга нисбатан татбиқ этилмайди.

Тузатишлар билан ундан чуватиб ўралмаган хом ипак (ТИФ ТН – 5002) ва ипак момиғи (ТИФ ТН – 5003) коди билан белгиланган товар позиция-

си таркибида жойлашган) чиқариб ташланди. Бинобарин, энди имтиёз ушбу товар турлари экспорт қилинган ҳолларда ҳам қўлланилади. Бун-

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР



да 2 та шарт бор (31.07.2019 йилдаги ПҚ-4411-сон қарорнинг 2-банди):

- имтиёзнинг амал қилиш муддати айна вақтда чекланган – 2021 йил 1 январга қадар;

- имтиёзларни қўллаш натижасида бўшайдиган маблағлар ишлаб чиқаришнинг модернизация қилиш, шу жумладан технологик усқуналар сотиб олиш учун мақсадли тарзда йўналтирилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 1.08.2019 йилдан кучга кирди.

ЭЛЕКТРОН СУҒУРТА ПОЛИСЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Президентнинг қарори (2.08.2019 йилдаги ПҚ-4412-сон) билан мамлакатимиз суғурта бозорини ислоҳ қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тасдиқланди (қарор матни «СБХ» мақсур сонининг ҳужжатлар пакетидан берилмоқда).

Барча янгиликлар босқичма-босқич жорий этилади.

Биринчидан, ҳужжат кучга кирган санадан (3 август) бошлаб:

- даромадларнинг 20%гача миқдоридagi ажратмалар ҳисобига, уларни чегириладиган харажатларга киритган ҳолда шакллантириладиган суғурта ташкилоти захира жамғармасининг чекланган миқдори суғурта ташкилоти устав фондининг 50%гача оширилади;

- суғуртанинг айрим турлари бўйича Интернет, мобил иловалар, инфокиослар орқали расмийлаштириладиган ва қоғоз шаклидаги суғурта шартномаларига (полисларига) тенглаштириладиган электрон полислар («Е-полис») жорий этилади.

Иккинчидан, 2019 йил 1 октябрдан бошлаб қайта суғурталовчи (қайта суғурта брокери) суғурта мажбуриятларини қайта суғурталаш учун хорижий суғурта ташкилотларига беришдан аввал бериладиган суғурта мажбуриятларининг камидан 50%и миқдоридан қайта суғурталаш бўйича офертани (қайта суғурталаш шартномаларини тузиш таклифларини) Ўзбекистонда қайта суғурталаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган суғурта ташкилотларига юбориш шарт. Бунда:

- оферта шартлари суғурта мажбуриятларини хорижий суғурта ташкилотларига қайта суғурталашга бериш шартларига мувофиқ бўлиши керак;

- оферта акцепти ёки акцептни рад этиш қайта суғурталовчилар – маҳаллий суғурта ташкилотлари томонидан, агар офертада акцепт учун кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, 2 иш кунидан кечикмаган ҳолда амалга оширилади;

- суғурта мажбуриятлари қайта суғурталовчи – маҳаллий суғурта ташкилоти томонидан ўзининг ушлаб қолиш ҳажми доирасида қабул қилинади;

- қайта суғурталовчи – маҳаллий суғурта ташкилоти суғурта ҳодисаси содир бўлган тақдирда ва асосий суғурта шартномаси бўйича суғурта тўловини амалга оширишда қайта суғурталаш шартномаси шартлари доирасида қайта суғурта қилдирувчининг қарорларига амал қилади.

Янги механизм облигатор қайта суғурталашга татбиқ этилмайди (асосий суғурта шартномалари бўйича таваккалчиликлар албатта уларни қабул қилиб олиши шарт бўлган қайта суғурталовчига берилади) ҳамда мамлакатимизнинг халқаро шартномалари ва инвестиция битимларида ўзгача тартиб назарда тутилган бўлса, қўлланилмайди.



Учинчидан, 2020 йил 1 январдан бошлаб:


- юридик шахслар – суғурта (қайта суғурта) брокерлари ва суғурта агентлари учун ЯСТ ставкаси комиссия мукофотининг 13%и миқдоридан белгиланади;

- суғурта (қайта суғурта) ташкилотининг бошқа суғурта (қайта суғурта) ташкилотлари устав фондларида иштирок этишига йўл қўйилмайди, суғуртанинг бошқа тармоқларидаги суғурта ташкилотлари устав фондларида уларнинг ўзаро иштирокини чеклаш шартларида иштирок этиш бундан мустасно;

- ваколатли давлат органи суғурталовчилар томонидан

2-бетда

ЭЛЕКТРОН СУГУРТА ПОЛИСЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ



кўлланилаётган сугурта тарифларини, истеъмолчиларнинг сугурта хизматлари сифатидан қониқиши даражасини, шунингдек, сугурта маҳсулотларининг самарадорлигини таҳлил қилиш асосида сугурта захираларининг қабул қилинаётган таваккалчиликларга мақбуллигини таъминлайдиган сугурта захираларининг минимал даражасини белгилайди.

Бундан ташқари, Солиқ кодексининг 171-моддаси иккинчи қисми 13-бандида назарда тутилган имтиёзни қўллашнинг қуйидаги шартлари жорий этилади:

а) сугурта суммаси шартнома бўйича сугурта даври бошланиши санасидан камидан 12 ойдан сўнг бирийўла тўланганда. Бунда сугурта бадалларини

тўлаш сугурта суммасини тўлаш санасидан олдинги 12 ойлик даврда ўсиб бормайдиган тартиб бўйича амалга оширилган бўлиши керак.

Шартнома бўйича сугурталанган шахснинг ҳаётни узоқ муддатли сугурталаш (барча тоифадаги ҳаёт сугуртаси соҳаси) бўйича муайян ёшгача ёки санагача яшайдан бошқача санасидаги сугурта ҳодисаси содир бўлган тақдирда сугурта қопламасини ёки сугурта суммасини тўлаш кўрсатиб ўтилган имтиёз қўлланилган ҳолда шартнома бўйича сугурта даври бошланиши санасидан 12 ой ўтмасдан амалга оширилиши мумкин;

б) рента (аннуитет) тўлаш шартнома бўйича сугурта даври бошланиши санасидан камидан 12 ойдан сўнг бошланганда. Бунда жорий рента (аннуитетни) тўлаш санасида шартнома бўйича

ҳақиқатда жамланган маблағлар (захира) суммаси кўрсатиб ўтилган рента (аннуитет)нинг 4 бараваридан кам бўлмаслиги керак;

в) рента (аннуитетни) тўлаш шартнома бўйича сугурта даври бошланиши санасидан 12 ой ўтмасдан бошланганда. Бунда дастлабки рента (аннуитетни) тўлаш бошланганидан пайтда ҳақиқатда тўланган сугурта бадаллари суммаси шартнома бўйича сугурта мукофотининг йиллик миқдоридан кам бўлмаслиги керак ва рента (аннуитетлари) тўлаш «б» банднинг талабларига риоя қилган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Ушбу ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 3.08.2019 йилдан қучга кирди.

Олег ЗАМАНОВ, «Norma» МЧЖ эксперти.

ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Ходимга 15 иш кунини учун меҳнат таътили берилди. Раҳбарият унга ушбу кунлар учун таътил пулидан ташқари, иш ҳақи тўлашни талаб қилди. Таътил кунлари учун таътил пули ҳисобланган бўлса, ушбу кунлар учун иш ҳақи ҳам тўланадими?

ЁКИ ТАЪТИЛ ПУЛИ, ЁХУД ИШ ҲАҚИ

– Ҳар бир корхонада ходимнинг меҳнатига ҳақ тўлаш шакли ва тизими раҳбар томонидан белгиланади. Улар жамоа шартномаларида, шунингдек ходим билан тузилган меҳнат шартномасида акс эттирилади.

Ходим иш тартиби ёки графигига ёхуд меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ ўз меҳнат вазифаларини бажариши лозим бўлган вақт иш вақти ҳисобланади (*Меҳнат кодексининг 114-моддаси*).

Дам олиш вақти – ходим меҳнат вазифаларини бажаришдан холи бўлган вақтдир (*Меҳнат кодексининг 126-моддаси*). Бунга танаффуслар, дам олиш кунлари, байрам кунлари ва меҳнат таътили кунлари қиради.

Ходим меҳнат вазифаларини бажаришдан озод этилган меҳнат таътили кунлари учун иш ҳақи ҳисобланмайди, фақат таътил пули тўланади.

ЯСТ тўлайдиган корхонамиз бар очаяпти. Миқдорларга тамақисиз хушбўй ҳидли кальян ва таомларсиз салқин ичимликлар берилди. Ушбу фаолият тури тармоқнинг қайси тоифасига қиради? Ташкилот қайси ставкада ЯСТ тўлаши лозим?

«А» матбаа корхонаси Халқ таълими вазирлигидан мактаблар учун дарсликларни тайёрлашга буюртма олди. Буюртмани тезлаштириш мақсадида «А» корхонаси ушбу дарсликларнинг ички саҳифаларини босиш учун «Б» корхонаси билан шартнома тузди. «Б» корхонаси ҚҚС тўлашдан озод этиладими?

КИТОБ МАҲСУЛОТЛАРИ БЎЙИЧА ҚҚСГА ОИД ИМТИЁЗ

– Босма маҳсулотларни реализация қилиш оборотлари ҚҚСдан озод этилади (*Солиқ кодексининг 208-моддаси 19-банди*). Босма маҳсулотларга эгаллик ҳуқуқининг бошқача берилиши реализация қилиш обороти деб эътироф этилади. Шунингдек китоб маҳсулотлари босма маҳсулотга киритилиши ҳақида тушунча берилган.

Мазкур ҳолатда «Б» корхонаси босма маҳсулотлар оборотини амалга оширмайди, балки «А» корхонасига китобларнинг ички саҳифаларини босиш хизматларини кўрсатади.

– Бар тик турган ҳолда истеъмолчиларга ичимликлар ва закускалар билан хизмат кўрсатишни (столчалар ёнида хизмат кўрсатиш билан бир қаторда) ташкил қиладиган умумий овқатланиш корхонаси ҳисобланади. Официантлар хизмат кўрсатади, ўз-ўзига хизмат кўрсатишга йўл қўйилади (*Қондаларнинг 3-банди, ВМнинг 13.02.2003 йилдаги 75-сон қарорига 2-шлова*).

Умумий овқатланиш корхоналари учун 2019 йилги ЯСТ ставкаси жойлашган жойига қараб белгиланган: аҳолиси сони 100 минг ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда – 8%, бошқа аҳоли пунктларида – 6%, бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда – 4% (*26.12.2018 йилдаги ПҚ-4086-сон қарорга 7-шлова*).

БАР – УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАСИ

ЧЕГИРИЛМАЙДИГАН ХАРАЖАТЛАР

Фойда солигини ҳисоб-китоб қилиш чоғида никоҳдан ўтиши муносабати билан ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш учун берилган моддий ёрдам чегирилмайдиган харажатга киритилдими?

– Ходимларга тўланадиган қуйидаги моддий ёрдам суммалари чегирилмайдиган харажатлар ҳисобланади:

- меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларига киритилмайдиган моддий ёрдам (*Солиқ кодексининг 143-моддаси 5-банди*);
- ходимнинг меҳнатга майиб бўлиши ёки унинг соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказилиши ёхуд ходим онла аъзосининг вафоти муносабати билан берилмайдиган ёки ходимнинг вафоти муносабати билан онла аъзоларига берилмайдиган моддий ёрдам (*Солиқ кодексининг 145-моддаси 27-банди*).

Бошқа моддий ёрдам турлари, шу жумладан қуйидагича кўрсатиладиган ёрдамлар чегирилмайдиган харажатлар ҳисобланади:

- бола туғилиши, ходим ёки унинг фарзандлари никоҳдан ўтиши муносабати билан берилмайдиган тўловлар;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бериш ёки уларни сотиб олиш учун маблағлар бериш тарзидаги тўловлар (*Солиқ кодексининг 147-моддаси 6-банди*).

Жавобларни «Norma» МЧЖ экспертилари тайёрладилар.

УШБУ СОНДА:

- **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
– Хом ипақ экспорти бўйича имтиёзлар қўлланилади
– Электрон сугурта полислар жорий этилади **1-2-бетлар**
- **ЖАВОБ БЕРАМИЗ**
– Ёки таътил пули, ёхуд иш ҳақи
– Бар – умумий овқатланиш корхонаси
– Китоб маҳсулотлари бўйича ҚҚСга оид имтиёз
– Чегирилмайдиган харажатлар **2-бет**

- **АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ**
– Резкспортда ҚҚС
– Бошқа шахсга бериш шартномаси ва ҳисоб-фактура ни расмийлаштириш
– Инвентарлашни қондалар бўйича ўтказамиз **3-бет**
- **СОЛИҚЛАР ВА ЙИГИМЛАР**
– Солиқ тўловчининг тақрими **4-бет**
- **ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари: **5-8-бетлар**

- «Пиллачилик тармоғида чуқур қайта ишланган ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»;
– «Ўзбекистон Республикасининг сугурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» (Кўчирма).
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори
– «Туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойнали автотранспорт воситаларидан фойдаланишни тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» **5-8-бетлар**

- **БУХГАЛТЕРГА ТАВСИЯЛАР**
– Қўшилган қиймат солиғи ҳақида нималарни билиш лозим **9-12-бетлар**
- **АМАЛИЙ ТАКЛИФ**
– Оммавий оферта **13-14-бетлар**
- **АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ**
– Савдо устамаси бўйича ҚҚС **14-бет**
- **БОЖХОНА**
– Автомобилни вақтинча олиб кириш
– Божхоначи муомалани билиши шарт(ми)?
– «Тўқима имтиёз»дан фойдаланиб... **15-16-бетлар**

Таҳрират аномим хатларга муносабат бидирмасликка ҳақли, лекин қонун ҳужжатларида белгиланган ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиги мумкин.

«СБХ» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davriy nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

РЕЭКСПОРТДА ҚҚС

? Компаниямиз 1.01.2019 йилдан умумбелгиланган солиқларни тўлайди, ҚҚС – 20%. Фаолият тури – экин маҳсулотларининг уруғларини улгуржи сотиши. 2017 йилда уруғликларни етказиб беришга импорт шартномасини тузди. Товар ўз вақтида етказиб берилди, лекин харидорларга сотиб бўлингандан кейин унинг сифатсизлиги маълум бўлди. Компания раҳбарияти товарни қайтариш – етказиб берувчига реэкспорт қилишга қарор қилди. Товарнинг қолдиқлари, шу жумладан ушбу контракт доирасида қолдиқлари бўйича ҚҚС ҳисобга киритилди. Илгари ТМЗ қолдиқлари бўйича ҳисобга киритилган ҚҚСни қандай қилиб ҳисобдан чиқариш мумкин?

– Илгари эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига жойлаштирилган товарни реэкспорт божхона режимига жойлаштиришга айна бир вақтнинг ўзиде куйидаги талаблар ва шартларга риоя этилган тақдирда йўл куйилади:

- контракт (шартнома, келишув) шартлари бажарилмаган бўлса;
- товар божхона ҳудудида ишлатилмаган ва таъмирланмаган бўлса, бундан товарни қайтаришга сабаб бўлган нуқсонларни ёки бошқа ҳолатларни аниқлаш учун товардан фойдаланиш зарур бўлган ҳоллар мустасно;

- товар ўзгармаган ҳолатда турган бўлса, бундан унинг нуқсонлари аниқланган ҳоллар мустасно (БКнинг 33-моддаси).

Товар реэкспортга расмийлаштирилганда товарнинг амалда реэкспорт қилинаётган қисмига нисбатан тўланган божхона божлари ва солиқлар суммаларини қайтариш айна бир вақтнинг ўзиде куйидаги шартларга риоя этилган тақдирда амалга оширилади:

- товарнинг реэкспорти уни эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига жойлаштириш маълум қилинган кундан эътиборан 2 йил ичида амалга оширилаётган бўлса;

- товар божхона ҳудудида ишлатилмаган бўлса (БКнинг 35-моддаси).

Сизнинг ҳолатингизда товар реэкспортга расмийлаштирилгандан кейин 2 йилдан ортиқ вақт ўтган. Сиз тўлаган божхона тўловларини, шу жумладан ҚҚС суммасини бюджетдан қайтариб бўлмайди. Шу туфай-

ли улар корхонанинг харажатлари сифатида акс эттирилиши керак.

Сифатсиз товарнинг реэкспорти иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлмаган тақдирда, корхонангиз уни бошқача тарзда тасарруф этиши мумкин.

1 Сифатсиз товарни утиллаштириш ва етказиб берувчига жарима санкцияларини қўллаш. Божхонада тўланган ҚҚС корхонанинг зарарларига киради, уни куйидаги бухгалтерия проводкалари орқали ҳисобдан чиқариш лозим: Дт 9430-«Бошқа операциялар харажатлари» – Кт 4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бунак тўловлари (турлари бўйича)». Илгари ҳисобга олинган ҚҚС нормалардан ортиқча моддий ресурслар бўйича йўқотишлар ва бузилишлар бўлган ҳолларда ҳисобга олишдан чиқариб ташланиши керак (Солиқ кодексининг 220-моддаси).

2 Сифатсиз товарни куйидаги пасайтирилган нархлар бўйича сотиш:

- божхона қийматига тенг. Бунда илгари ҳисобга олинган ҚҚСга тузатиш киритиш керак бўлмайди;

- божхона қийматидан паст. Бунда илгари ҳисобга олинган ҚҚСга тузатиш киритиш керак бўлмайди, лекин бюджетга тўлаш учун фарқка кўшимча ҚҚС ҳисоблашга тўғри келади.

Илгари ҳисобга олинган ҚҚСни куйидаги бухгалтерия проводкаси билан ҳисобдан чиқариш мумкин: Дт 9430 – Кт 4410.

БОШҚА ШАХСГА БЕРИШ ШАРТНОМАСИ ВА ҲИСОВВАРАҚ-ФАКТУРАНИ РАСМИЙЛАШТИРИНГ

? Компания автомобилни (асосий восита) сотди. Харидор ҳисоб-маълумотномада етказиб бериш суммасини ҚҚСни ҳисобга олман ҳолда кўрсатишни талаб қилмоқда. Ҳар икки корхона ҚҚС тўловчиси ҳисобланади. Автомобиль сотилганда ДЙХХХга тақдим этиладиган ҳисоб-маълумотномада ҚҚС суммасини кўрсатиш керакми?

– Автомототранспорт воситасини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳудудий ДЙХХХ органларига ихтисослаштирилган савдо корхонаси томонидан бериладиган ҳисоб-маълумотнома тақдим этилади.

Куйидагилар махсус савдо ташкилотига киради:

- ишлаб чиқарувчининг вакили;
- воситачи (дистрибьюторлик) ташкилоти.

Ҳисоб-маълумотнома автоматотранспорт воситасига бўлган мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжат бўлиб ҳисобланади (Низомнинг 16, 18-бандлари, ВМнинг 31.08.2017 йилдаги 683-сон қарорига 1-илова).

Сотувчи махсус савдо ташкилоти ҳи-

собланмайди. Шунинг учун транспорт воситаси сотилганда ҳисоб-маълумотнома расмийлаштирилмайди.

Лекин автоматотранспорт воситасини бошқа шахсга бериш тўғрисида шартнома ва ҳисовварақ-фактура мажбурий тартибда расмийлаштирилади (ФКнинг 386-моддаси; Солиқ кодексининг 222-моддаси).

Тегишли равишда сотувчиси ихтисослаштирилган савдо корхонаси ҳисобланмаган автоматотранспорт харидори ҳисоб-маълумотноманинг ўрнига ҳисовварақ-фактура олади. Автотранспортни сотиш солиқ солинадиган оборотдир, шундай экан, сотувчи ҚҚС тўловчиси бўлганлиги сабабли ҳисовварақ-фактурада ҚҚС суммаси кўрсатилади (Солиқ кодексининг 199, 222-моддалари).

? Инвентарлашда шакллар тўлдирилади, хусусан:
1) Қимматликларни инвентарлаш тўғри ўтказилганлигининг назорат текшируви далолатномаси (19-сон БҲМСга 3-илова);
2) Товар-моддий бойликларни инвентарлаш рўйхати (19-сон БҲМСга 8-илова);
3) Товар-моддий бойликларнинг инвентарлаш натижаларини солиштириш қайдномаси (19-сон БҲМСга 18-илова).
Мазкур ҳужжатлар орасидаги фарқлар нимада ва улар инвентарлашнинг қайси босқичида тўлдирилади?

ИНВЕНТАРЛАШНИ ҚОИДАЛАР БҲИЧА ҲТКАЗАМИЗ

– Инвентарлаш – бу товар-моддий захираларнинг ҳақиқатда мавжудлигини қолдиқларни қайта ҳисоблаш ва натижаларни ҳисоб ёзувлари билан солиштириш йўли орқали белгилашдир. ТМЗни инвентарлаш 19-сон БҲМС-«Инвентарлашнинг ташкил этиш ва ўтказиш» (АВ томонидан 2.11.1999 йилда 833-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан белгиланган тартибда ўтказилади.

Инвентарлашда ҳужжатлар қайси навбатликда тўлдирилишини билиб оламиз:

1) Товар-моддий бойликларни инвентарлаш рўйхати (19-сон БҲМСга 8-илова);

2) Товар-моддий бойликларнинг инвентарлаш натижаларини солиштириш қайдномаси (19-сон БҲМСга 18-илова);

3) Қимматликларни инвентарлаш тўғри ўтказилганлигининг назорат текшируви далолатномаси (19-сон БҲМСга 3-илова).

ТМЗни инвентарлаш вақтида инвентарлаш комиссияси **Товар-моддий бойликларни инвентарлаш рўйхатини** тўлдирди. Рўйхатда инвентарланган бойликларнинг номлари, уларнинг номенклатураси, нави, артикули бўйича миқдори акс эттирилади. Инвентарлаш комиссияси ТМЗнинг ҳақиқатда мавжудлигини уларни албатта санаб, тарозида тортиш ёки қайта ўлчаш йўли билан текширади ва рўйхатларга бойликларнинг ҳақиқатдаги қолдиғи ҳақида маълумотларни киритади.

Йўлда бўлган ва бошқа корхоналарнинг омборларида сақлашда бўлган ТМЗга алоҳида-алоҳида инвентарлаш рўйхатлари (далолатномалар) тузилади.

Рўйхатга бухгалтерия ҳисоб маълумотлари асосида ёзув киритади.

Инвентарлаш пайтида ҳисоб маълумотларида тафовутлар аниқланган бойликлар бў-

Ҳулоса чиқарамиз: инвентарлаш рўйхатларига ТМБ тўғрисида ҳақиқатдаги маълумотлар ва ҳисоб маълумотлари киритилади. Маълумотлар орасида тафовутлар бўлган тақдирда, ТМБнинг мазкур позициялари бўйича солиштириш қайдномалари тузилади. Назорат текширувлари корхона хоҳишига қараб ўтказилади, уларнинг натижалари эса назорат текшируви далолатномаси билан расмийлаштирилади.



йича товар-моддий бойликлар натижаларининг солиштириш қайдномалари тузилади. Солиштириш қайдномаларида бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича кўрсаткичлар ва инвентарлаш рўйхатлари (далолатномалари) маълумотлари ўртасидаги тафовутлар акс эттирилади. Ортиқча ва кам чиққан ТМЗнинг қиймати солиштириш қайдномаларида уларнинг бухгалтерия ҳисобидаги баҳосига мувофиқ келтирилади.

Мол-мулк камомади ва ортиқчаси Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомади ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби тартиби тўғрисидаги низомга (АВ томонидан 6.04.2004 йилда 1334-сон билан рўйхатдан ўтказилган) мувофиқ ҳисобга олинади.

Инвентарлаш тугаганидан сўнг инвентарлаш тўғри ўтказилганини назорат тарикасида текширишлар ўтказилиши мумкин. Уларни инвентарлаш ўтказилган омбор, омборхона, шуъба ва ҳоказолар очилишига қадар ўтказиш керак. Инвентарлаш тўғри ўтказилганини назорат тарикасида текшириш натижалари **Қимматликларни инвентарлаш тўғри ўтказилганлигининг назорат текшируви далолатномаси** билан расмийлаштирилади ва инвентарлаш тўғри ўтказилганлигини назорат тарикасида текширишларни ҳисобга олиш дафтарида рўйхатга олинади (19-сон БҲМСга 4-илова).

Жавобларни «Norma» МЧЖ экспертлари тайёрладилар.

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ ТАҚВИМИ

ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН

2019 йил	Д	С	Ч	П	Ш	Ж	Я
СЕНТЯБРЬ	2	3	4	5	6	7	8
	9	10	11	12	13	14	15
	16	17	18	19	20	21	22
	23	24	25	26	27	28	29
	30						

5 СЕНТЯБРЬ

2019 йилнинг август ойида банклар томонидан Ўзбекистон Республикасининг норезидентларига амалга оширилган тўловлар (дивидендлар ва фонслар тўловидан ташқари) бўйича юридик шахслардан олинadиган фойда солиғини бюджетга ўтказишнинг сўнгги куни
(Солиқ кодекси, 165-модда, 4-қисм, 1-банд)

2019 йилнинг август ойида натура шаклида тўланган даромадлардан жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини тўлашнинг сўнгги куни
(Солиқ кодекси, 188-модда, 1-қисм)

9 СЕНТЯБРЬ

ер солиғини йиллик сумманинг 1/12 қисми миқдоридан тўлашнинг сўнгги куни¹
(Солиқ кодекси, 286-модда, 1 ва 3-қисмлар)

10 СЕНТЯБРЬ

2019 йилнинг сентябрь ойи учун фойда солиғи бўйича жорий тўловни тўлашнинг сўнгги куни²
(Солиқ кодекси, 164-модда, 3 ва 4-қисмлар)

2019 йилнинг август ойи учун акциз солиғи бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш ва тўловни тўлашнинг сўнгги куни
(Солиқ кодекси, 239-модда; 240-модда, 1-қисм)

2019 йилнинг сентябрь ойи учун мол-мулк солиғи бўйича жорий тўловни тўлашнинг сўнгги куни³
(Солиқ кодекси, 271-модда, 5-қисм)

2019 йилнинг август ойи учун бозорлар ва устав фондида (устав капиталида) давлат улуши камида 51%ни ташкил этган савдо мажмуалари олган даромадлари ва бюджетга маблағлар ўтказгани тўғрисида маълумотларни тақдим этишнинг сўнгги куни
(Солиқ кодекси, 387-модда, 5, 6 ва 7-қисмлар)

24 СЕНТЯБРЬ

2019 йилнинг август ойи учун табиий газга қўшимча фойда солиғи бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни

(АВ томонидан 24.02.2009 йилда 1909-сон билан рўйхатдан ўтказилган Табиий газга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг 12, 13-бандлари)

¹Ер солиғини чоракнинг биринчи ойи 10-санасига қадар тўлайдиган микрофирмалар ва кичик корхоналар бундан мустасно, шунингдек ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан ер солиғини тўлаш кўйидаги тартибда амалга оширилади;

ҳисобот йилининг 1 сентябрига қадар - йиллик солиқ суммасининг 30%; ҳисобот йилининг 1 декабрига қадар - солиқнинг қолган суммаси.

²Ҳисобот давридаги тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойдаси БҲМнинг 200 бараваридан кам бўлган корхоналардан ташқари.

³Мол-мулк солиғи бўйича жорий тўловларни ҳар чоракнинг учинчи ойи 25-кунидан кечикмай тўлайдиган микрофирмалар ва кичик корхоналар бундан мустасно.

⁴2019 йил 1 сентябрдан солиқ миқдори ва молиявий-иқтисодий кўрсаткичларни аниқлаш учун ЭКИХ ўрнига 223 000 сўм миқдоридан базавий ҳисоблаш миқдори (БҲМ) киритилади (21.05.2019 йилдаги ПФ-5723-сон Фармон).

⁵Ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари, республикада доимий муассаса орқали фаолиятни амалга оширадиган Ўзбекистон норезидентлари, шунингдек юридик шахсни ташкил этган ва ташкил этмаган деҳқон хўжалиқлари жорий тўловларни тўламайдилар.

⁶Ҳар чоракда ҳисоб-китобни тақдим этадиган ва солиқни тўлайдиган микрофирмалар ва кичик корхоналар бундан мустасно.

25 СЕНТЯБРЬ

2019 йилнинг август ойи учун жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ҳамда ягона ижтимоий тўлов ҳисоб-китобини тақдим этишнинг сўнгги куни
(Солиқ кодекси, 187-модда, 2-банд; 310-модда, 3-қисм)

2019 йилнинг август ойи учун мазкур муддат учун тўланмаган даромадлардан жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини тўлашнинг сўнгги куни
(Солиқ кодекси, 188-модда, 1-қисм)

2019 йилнинг август ойи учун ҚҚС ҳисоб-китобини тақдим этиш ва тўлашнинг сўнгги куни
(Солиқ кодекси, 225-модда, 1-қисм; 226-модда, 1-қисм; 226-5-модда)

2019 йилнинг август ойи учун ер қабридан фойдаланганлик учун солиқни тўлашнинг сўнгги куни
(Солиқ кодекси, 247-модда, 4-қисм)

2019 йилнинг сентябрь ойи учун бир йилдаги солиқ суммаси 200 БҲМдан кўпни ташкил қилadиган юридик шахслар томонидан, шунингдек солиқ суммаси 200 БҲМдан камни ташкил қилadиган юридик шахслар томонидан ҳамда 2019 йилнинг III чораги учун микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича жорий тўловларни тўлашнинг сўнгги куни⁵
(Солиқ кодекси, 264-модда, 1 ва 3-қисмлар)

2019 йилнинг август ойи учун ягона ижтимоий тўловни тўлашнинг сўнгги куни
(Солиқ кодекси, 310-модда, 4-қисм)

2019 йилнинг август ойи учун товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғимни тўлашнинг сўнгги куни
(Солиқ кодекси, 347-модда, 3-қисм)

2019 йилнинг август ойи учун ягона солиқ тўловини тўлашнинг сўнгги куни
(Солиқ кодекси, 360-модда, 5-қисм)

2019 йилнинг август ойи учун меҳнатда шикастланиш ёки касб касалликлари оқибатида тайинланган пенсиялар тўлови бўйича харажатларни қоплаш учун маблағларни тўлашнинг сўнгги куни
(АВ томонидан 3.11.2016 йилда 2836-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларнинг тўлашнинг ҳамда ташкилотлар томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар учун харажатлар амалга оширилиши тартиби тўғрисидаги низомнинг 17-банди)

ЭЪЛОН

“Surxondaryo mulk markazi” МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!
Савдога “Ўзбектелеком” АК Кузигув кенгашининг 20.03.2017 йилдаги 328-баёнома қарорига асосан “Ўзбектелеком” АК Сурхондарё филиали тасарруфидоги, Термиз шаҳар, А.Хидоятлов кўчаси, 4-уйда сақланаётган, ЗИЛ-131 русумли, 1983 йилда и/ч, д/р рақамсиз, бошланғич баҳоси – 18 152 388 сўм, таъмирталаб автотранспорт, ГАЗ-52 русумли, 1976 йилда и/ч, д/р 19 АВ 358, бошланғич баҳоси – 1 609 632 сўм, таъмирталаб автотранспорт воситалари такроран кўйилмоқда.
Аукцион савдо 2019 йил 29 август соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Мазкур мулклар 2019 йил 29 август кунини сотилмаган тақдирда, такрорий савдоси 2019 йил 13, 30 сентябрь ва 18 октябрь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2019 йил 29 август учун 27 август кунини, 13 сентябрь учун 11 сентябрь кунини, 30 сентябрь учун 26 сентябрь кунини ва 18 октябрь учун 16 октябрь кунлари соат 18.00 тўхтатилади.
Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 банк кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юқлатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, 15 фонддан кам бўлмаган миқдорда закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади. Талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан унинг ХАБ “Траст банк” Термиз филиалдаги х/р: 20208000904941294001, МФО: 01063, СТИР: 302125729 га тўлашлари шарт. Ариза (талябнома)ларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Баркамол авлод кўчаси, 19-уй. Телефон: (76) 223-15-82. 972-сонли гувоҳнома.

Солиқ тўловчининг тақвими – «Notma» МЧЖ экспертларининг муаллифлик ишланмасидир. Унинг бошқа ОАВларда қайтадан чоп этилиши ва электрон маълумотлар базаларида жойлаштирилишига «Notma» МЧЖ билан тузилган шартнома асосидагина йўл қўйилади.

да) билан тасдиқланган йўл ҳаракати қоидалари 3-иловасининг 7.4-банди куйидаги тахрирда баён этилсин:

«7.4. Барча турдаги транспорт воситалари олд, ён ойналарининг ёруғлик ўтказувчанлиги 70% дан кам бўлса, автомобиль томидаги люк ойнаси, шунингдек, ички ишлар органларининг рухсатномаси асосида туси ўзгартирилган (қорайтирилган) автотранспорт воситаларининг ойналари бундан мустасно.

Изоҳ. III класс М3 тоифадаги автотранспорт воситаларининг орқа ва ён ойналарига пардалар, икки ёнга орқа томонни кўриш учун ташқи кўзгуси мавжуд бўлган барча тоифадаги автотранспорт воситалари орқа ойналарининг тусини ёруғлик ўтказувчанлиги чекланмаган даражада ўзгартиришга (қорайтиришга), шунингдек, ушбу орқа ойналарга парда (чий парда, дарпарда) ўрнатишга рухсат берилади».

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларини моддий рағбатлантириш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 6 июлдаги 514-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 й., 7-сон, 169-модда):

2-банддаги «Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларини рағбатлантириш ва мукофотлаш жамғармаси» сўзлари «Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг моддий-техника базасини ривожлантириш, ходимларини рағбатлантириш ва мукофотлаш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

3-бандда:
иккинчи хатбошига «сумманинг 10 фоизи» сўзларидан кейин «шунингдек, автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома беришдан тушадиган маблағлар» сўзлари қўшилсин;

учинчи хатбошига «мукофотлаш учун» сўзларидан кейин «шунингдек, автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартириш (қорайтириш) учун сарфланадиган материалларни харид қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш, ДИХХ моддий-техника базасини ривожлантириш ва қонунчиликда белгиланган бошқа мақсадларда» сўзлари қўшилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойнали енгил автотранспорт воситаларидан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 18 июлдаги 547-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 й., 7-сон, 181-модда):

номланишидаги «енгил» сўзи чиқариб ташлансин;
2-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

«2. Шундай тартиб жорий этилсинки, унга кўра:
а) енгил автомобиллар орқа ён ойналарининг тусини ёруғлик ўтказувчанлиги – чекланмаган даражада, олд ён ойналарининг тусини ёруғлик ўтказувчанлиги – 50 фоиздан кам бўлмаган даражада, шунингдек, туристик йўналишларда йўловчи ташиш фаолиятини амалга оширувчи автобус, микроавтобус ва минивенлар (кейинги ўринларда туристик автобуслар деб аталади) ён ойналарининг тусини ёруғлик ўтказувчанлиги – 50 фоиздан кам бўлмаган даражада ўзгартириш (қорайтириш) тасдиқланган давлат стандарти бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати

томонидан 1 йил муддатга бериладиган рухсатномага асосан амалга оширилади;

б) автотранспорт воситалари орқа ойнасининг тусини, шунингдек, автотранспорт воситалари олд ойнасининг тепа қисми тусини 14 см дан кўп бўлмаган полоса шаклида ёруғлик ўтказувчанлиги чекланмаган даражада ўзгартириш (қорайтириш) рухсатномасиз, тасдиқланган давлат стандарти асосида амалга оширилади;

в) енгил автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш учун тўлов ставкалари:

орқа ён ойналар бўйича жисмоний шахслар учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорини, юридик шахслар учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорини ва Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар юридик шахслари учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари миқдорини;

орқа ва олд ён ойналар бўйича жисмоний шахслар учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари миқдорини, юридик шахслар учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари миқдорини ва Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар юридик шахслари учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг саксон баравари миқдорини ташкил этади;

г) туристик автобуслар ён ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш учун тўлов ставкалари уларнинг эгалари ҳуқуқий ҳолати инобатга олинган ҳолда, тегишли лицензияни қўсатиш асосида ушбу банднинг «в» кичик банди учинчи хатбошига мувофиқ белгиланади;

д) автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш учун тушадиган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг моддий-техника базасини ривожлантириш, ходимларини рағбатлантириш ва мукофотлаш жамғармасига йўналтирилади ҳамда автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартириш (қорайтириш) учун сарфланадиган материалларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплашга, ДИХХ моддий-техника базасини ва автомобиль паркинги ривожлантиришга, шунингдек, ходимларини рағбатлантиришга мақсадли йўналтирилади;

е) Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома беришдан тушадиган маблағлар ҳисобидан ДИХХ ходимларининг (ишчи ва хизматчилар) қўшимча штат бирликларини киритиш ҳуқуқи берилади;

ж) хорижий давлатларнинг ойналари туси ўзгартирилган (қорайтирилган) енгил автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинча кириши ва транзит ҳаракатланиши учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тушадиган 15 АҚШ доллари миқдорига йғим ундирилади.

Изоҳ. 2019 йилнинг 1 сентябрига қадар автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш учун тўловлар ставкаси энг кам иш ҳақидан келиб чиқиб ҳисобланади»;

3-банднинг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОЛЛАРИ:

- «Пиллачилик тармоғида чуқур қайта ишлашни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»;
- «Ўзбекистон Республикасининг сугурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» (Кўчирма).
- ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ
- «Туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойнали автотранспорт воситаларидан фойдаланишни тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ПИЛЛАЧИЛИК ТАРМОҒИДА ЧУҚУР ҚАЙТА ИШЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БҮЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА*

Сўнги йилларда республикада пиллачилик соҳасини ривожлантириш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг турларини кенгайтириш, шунингдек, пиллачилик тармоғи корхоналарининг экспорт ва инвестиция фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар пилла хомашёси етиштириш ҳажмини ошириш, уни қайта ишлаш ҳисобига экспортбоп ипак маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, шунингдек, республикамизнинг чекка ҳудудларидаги аҳоли, айниқса аёллар бандлигини таъминлаш имконини берди.

Шу билан бирга, жаҳон бозори конъюнктурасининг тез фурсатлар билан ўзгариб бораётганлиги, истеъмолчиларнинг талаблари кучаяётганлиги, шунингдек, хорижий бозорларда ўзбек маҳсулотларига бўлган талаб ошаётганлиги пиллачилик соҳасини ривожлантириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилишини талаб қилмоқда.

Пиллачилик тармоғида амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, соҳани жадал ривожлантириш ва диверсификация қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг кластер усулини кенг жорий этиш, пиллани чуқур қайта ишлашда инвестициялар ҳажминини ошириш ҳамда юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш мақсадида:

1. Куйидагилар:

пиллачилик кластерини ташкил этишда корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари рўйхати 1-иловага мувофиқ;
пиллачилик кластерларини ташкил этадиган «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналар рўйхати 2-иловага** мувофиқ;

2019–2025 йилларда «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналар томонидан ипак маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича прогноз параметрлари 3-иловага** мувофиқ;

2019–2021 йилларда пиллачилик тармоғида чуқур қайта ишлашни ташкил этиш асосида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари рўйхати 4-иловага** мувофиқ;
пиллачилик соҳасини янада ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси 5-иловага** мувофиқ маъқуллансин.

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 1.08.2019 йилдан кучга кирди.
**Қарорга 2–5, 7-иловалар «СБХ»да берилмайдۇ. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 декабрдаги «Республикада пиллачилик тармогини жадал ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4047-сон қарори 5-бандида назарда тутилган компенсация тақдим этиш тартиби лойиҳалар қиймати ва сонидан қатъи назар пилла етиштиришни, шу жумладан пилла етиштирувчи фермер хўжаликлари ва касаначиларга буняк беришни, улар билан якуний ҳисоб-китобларни амалга оширишни ҳамда қурилиш ва реконструкция ишларини молиялаштириш мақсадлари учун ҳам татбиқ этилади ва мазкур тартибнинг амал қилиш мuddати 2023 йил 1 январга қадар узайтирилади.

3. «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси:

худудларда «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибига кирувчи корхоналар томонидан тут қўчатларининг экилиши, ипак курти уруғи ва пилла етиштириш, пиллани чуқур қайта ишлаш, ипак, ипак момиги ва ипақдан чуқур қайта ишланган маҳсулотлар экспортини амалга ошириш, инвестицияларни жалб этиш ва янги иш ўринларини яратиш бўйича прогноз кўрсаткичларининг тўлиқ бажарилишини мунтазам равишда мониторинг қилиб борсин; тут қўчатларини экиш, ипак куртини парвартишлаш иншоотларини қуриш, пилла етиштириш ва уни чуқур қайта ишлашни ташкил қилиш, ипак маҳсулотлари экспортини амалга ошириш ва янги иш ўринлари яратиш бўйича белгиланган кўрсаткичларни таъминлашда сустваликка йўл қўяётган «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибига кирувчи корхоналар бўйича уларга тақдим этилган имтиёзларни қайта кўриб чиқиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритиб борсин;

тирик пилла етиштирувчилардан етиштирилган тирик пиллани сотиб олиш (уларнинг тирик пилла етиштириш хизмати) нархини 2020 йилдан камида 20 фоизга, 2021 йилдан яна камида 10 фоизга ошириш чораларини кўрсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари 2020 йил 1 январга қадар фермер ва деҳқон хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги ҳамда пахтачилик-тўқимачилик кластерларига ер участкаларини ажратиш тўғрисидаги қарорларда ҳамда ер участкаларини ажратилиш шартномалари (шу жумладан олдин қабул қилинган қарорлар ва тузилган шартномаларда) «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибидagi корхоналарнинг мазкур ер участкаларидagi қишлоқ хўжалиги экин майдонлари четидa ва йўл бўйида жойлашган тут дарахтларидан пилла етиштириш учун озука сифатида фойдаланиш ҳуқуқи назарда тутилишини таъминласин.

5. Ипакчилик илмий-тадқиқот институти тасаруфидa Фаргона, Самарқанд, Хоразм, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида насли ипак курти уруғи етиштирувчи муассасалари (кейинги ўринларда – муассасалар) ташкил этилсин.

Белгилансинки, муассасаларнинг молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ харажатларини молиялаштириш:

уларнинг хўжалик фаолиятини амалга оширишдан тушадиган маблағлар;

ҳисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

ҳалқаро молия институтлари грантлари;

қонун ҳужжатларида таққиланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

6. Фаргона, Самарқанд, Хоразм, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда муассасаларга давлатга тегишли бўш турган биноларда ижара ҳақининг «ноль» ставкасини белгиланган ҳолда зарур майдонларни ажратсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси билан биргаликда:

иқки ой мuddатда тут дарахтларини ғайриқонуний равишда кесганлик, шикастлантирганлик ёки йўқ қилганлик учун унди-

рилган жарималарнинг 50 фоизи ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳудудда янги тут қўчатларини экиш учун мақсадли йўналтириш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2019 йил 1 ноябрга қадар қишлоқ хўжалиги экинлари дала-лари четидaги ва йўл бўйидаги тут дарахтларини хатловдан ўтказиб, қатъий ҳисобини юритиш ва уларни ғайриқонуний равишда кесиш, шикастлантириш ёки йўқ қилиш ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Молия вазирлиги ва «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси билан биргаликда 2019 йил 1 декабрга қадар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Ипакчилик илмий-тадқиқот институтида «Тут ипак курти экологияси ва кимёвий захарланиш профилактикаси» лабораториясини ташкил этсин.

9. 2022 йил 1 августга қадар «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибидagi корхоналар томонидан ипак курти уруғларини, истисно тариқасида, «божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш» божхона режимига жойлаштиришга руҳат берилсин ҳамда олиб чиқилиши натижасида тайёрланган пиллаларни республика ҳудудида олиб киришда божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги:

Ташқи ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси билан биргаликда маҳаллий ипак маҳсулотлари экспорт қилинаётган хорижий давлатларнинг божхона тариф ставкаларини таҳлил қилиб, уларни камайтириш масалаларини ушбу давлатлар билан ўтказилмайдиган ҳукуматлараро комиссияларнинг (қўмиталар, кенгашлар ва ишчи гуруҳлар) кун тартиби ва йилдан йилга қадар иштирашга руҳат берилсин; «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибига кирувчи корхоналарга хорижий давлатларда кўргазма стендларини ташкил қилиш ва халқаро кўргазма-ярмаркаларда иштирашга руҳат берилсин ҳамда иштирашга руҳат берилсин ҳамда иштирашга руҳат берилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги «Худудгазтаъминот» АЖ, «Худудий электр тармоқлари» АЖ ва «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси билан биргаликда иқки ой мuddатда пиллачилик тармоғи корхоналарининг электр энергияси ва газ тармоқларига уланганлиги ҳамда узлуксиз таъминланганлиги ҳолатини ўрганиб чиқиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

12. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига пиллачилик тармоғида хунармандчилик ва касаначилик учун яратилаётган шарт-шароитларни ҳамда ишловларни амалга ошириш жараёнини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш, мақолалар чоп этиш, телерадиодастурларни эфирга узатиш ҳамда Интернет тармоқларига жойлаштириш тавсия этилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 7-иловага** мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда иқки ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А.Гулямов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент ш.,
2019 йил 31 июль
ПҚ-4411-сон.

СОЛИК ВА
БОЖХОНА

№ 33 (1305) • 2019 йил 13 август

6

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ТУСИ ЎЗГАРТИРИЛГАН (ҚОРАЙТИРИЛГАН) ОЙНАЛИ АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА*

Транспорт воситаларининг ҳайдовчилари ва йўловчилари учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойнали транспорт воситаларидан фойдаланиш тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Белгилансинки, мазкур қарор қабул қилингунга қадар амалда бўлган тўлов ставкалари бўйича 2019 йил 1 январдан ойналарнинг тусини ўзгартириш (қорайтириш) учун олинган руҳатномаларнинг амал қилиш мuddати мазкур қарорга мувофиқ жорий этиладиган янги тўлов ставкаларига мутаносиб равишда узайтирилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасига тендер савдоларини ўтказмасдан, идоравий танлов комиссиялари томонидан баҳоланадиган энг мақбул тақлифларни танлаб олиш орқали автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартириш (қорайтириш) учун сарфланадиган материалларни харид қилиш ҳуқуқи берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги: ички ишлар органларининг руҳатномаси асосида туси ўзгартирилганлигини (қорайтирилганлигини) билдирувчи махсус эмблемалар (голограмалар) намуналарини тасдиқласин ва уларнинг автотранспорт воситаларининг олд ойналарига жойлаштирилишини таъминласин;

иқки ой мuddатда туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойнали транспорт воситаларидан руҳатномасиз фойдаланганлик

учун ойналарнинг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) тўлов ставкаларига тенг бўлган миқдордаги маъмурий жавобгарлик белгилашни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда иқки ой мuddатда хорижий давлатларнинг ишлаб чиқарувчи корхоналари томонидан туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойналар ўрнатилган автотранспорт воситаларидан фойдаланиш учун тўловларни тартибга солиш бўйича тақлифлар киритсин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой мuddатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси мазкур қарорни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг буюртмаси бўйича тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) руҳатномалар бланкалари ва махсус эмблемаларни (голограмаларни) ўз вақтида тайёрлашни таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – транспорт вазири А.Ж.Раматов ва Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р.Бобожонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.АРИПОВ.

Тошкент ш.,
2019 йил 2 август
646-сон.

ЎзР ВМнинг 2019 йил 2 августдаги 646-сон қарорига
ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 4 июлдаги 191-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚҚТ, 2012 й., 26-27-сон, 298-модда) билан тасдиқланган «Автотранспорт воситалари конструкциясининг фойдаланиш шартлари бўйича хавфсизлиги тўғрисида»ги умумий техник регламентнинг 74-банди биринчи ва иқкинчи хатбосларининг рус тилидаги матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«74. Светопроектирование передних лобовых, боковых и задних стекол на всех транспортных средствах должно составлять не менее 70%. Данные требования не применяются к стеклам лобовых, установленных на крыше автотранспортного средства,

а также к тонированным (затемненным) стеклам автотранспортных средств, установленных на основании разрешения органов внутренних дел.

На автотранспортных средствах всех категорий, при наличии с обеих сторон наружных зеркал заднего вида, которые удовлетворяют требованиям настоящего Технического регламента, допускается тонирование (затемнение) заднего лобового стекла без ограничения светопроектирования, а также наличие на нем занавески (жалюзи, шторка)».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 12-сон, 109-мод-

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 3.08.2019 йилдан қуча кирди.

РЕКЛАМА

ORMA

«КОРҲОНА ЮРИСТИ»

электрон маълумотном тизимини ЎЗБЕК ТИЛИДА тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таълимгардон кўч., 1/1. Тел.: (71) 200-00-90.
E-mail: office@orma.uz, web: www.orma.uz

№ 33 (1305) • 2019 йил 13 август

www.nrm.uz

СОЛИК ВА
БОЖХОНА

7

2

СОЛИК ВА
БОЖХОНА

www.nrm.uz

№ 33 (1305) • 2019 йил 13 август

Агентликка Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган директор бошчилик қилади;

Агентлик директори мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шартлари бўйича вазирнинг ўринбосарига тенглаштирилади;

Агентлик ходимларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилади.

13. Агентлик бошқарув ходимларининг чекланган сони Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тизими бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони доирасида **28 бирлик** этиб белгилансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда **2019 йил 30 ноябрга қадар:** мажбурий тиббий сугурта механизмларини жорий этишнинг ҳуқуқий асосларини;

Сирдарё вилоятида 2020 йилдан бошлаб «даволанган ҳолат» учун тиббий хизматлар тўлови механизмини ва «жон боши нормативи» асосида молиялаштириш тизими методологиясини, шунингдек, 2021 йилдан бошлаб – мажбурий тиббий сугурта тизимини тажриба-синов тарзида жорий этишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига:

а) **икки ой муддатда:**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Сугурта бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Ҳукумат қарори лойиҳасини, шу жумладан, Агентлик тузилмаси ва Агентлик тўғрисидаги низомни тасдиқлашни назарда тутган ҳолда;

қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги тақлифларни;

б) **2020 йил 1 январга қадар** сугурта ташкилотларининг фаолиятини таваккалчиликка қаратилган ёндашув асосида тар-

тибга солишга йўналтирилган, сугурталовчиларнинг капитали етарлиги ва тўлов қобилияти бўйича халқаро стандартларни сугурта фаолиятига босқичма-босқич жорий этиш стратегияси лойиҳасини киритсин.

16. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикасининг сугурта бозорини ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби 4-иловага*** мувофиқ;

ушбу қарорни амалга ошириш бўйича Батафсил амалий тадбирлар режаси 5-иловага*** мувофиқ тасдиқлансин.

Ишчи гуруҳ (Ж.Кўчқоров):

ушбу қарорда назарда тутилган чора-тадбирлар сўзсиз ижро этилиши мувофиқлаштирилиши ва назорат қилиниши, шунингдек, уларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилиши ташкил этилишини;

2019–2022 йилларда Ўзбекистон Республикасининг сугурта бозорини жадал ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари бажарилиши устидан тизимли мониторинг олиб борилишини;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳар чорада мазкур қарорнинг ижроси юзасидан ахборот киритиб борилишини таъминласин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси оммавий ахборот воситаларида ушбу қарорнинг мақсад ва вазифаларини кенг ёритиш бўйича чиқишлар ҳамда мавзули кўрсатувлар ва эшиттиришларни ташкил этсин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А.Ғуломов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А.Кўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент ш.,

2019 йил 2 август

ПҚ-4412-сон.

ЎзР Президентининг 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сон қарорига 3-ИЛОВА

СУГУРТАЛОВЧИЛАР (ҚАЙТА СУГУРТАЛОВЧИЛАР) УЧУН УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ МИНИМАЛ МИҚДОРЛАРИ

Т/р	Сугурта фаолиятининг турлари	2020 йил 1 июлдан	2022 йил 1 июлдан
1.	Умумий сугурта ёки ҳаётни сугурта қилиш тармоғида ихтиёрий сугурта	15000	20000
2.	Умумий сугурта ёки ҳаётни сугурта қилиш тармоғида мажбурий сугурта	25000	35000
3.	Фақат қайта сугурта	35000	45000

РЕКЛАМА

«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»
Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таълимаржон кўч., 1/1.
Тел. (71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

ЎзР Президентининг 2019 йил 31 июлдаги ПҚ-4411-сон қарорига 1-ИЛОВА

ПИЛЛАЧИЛИК КЛАСТЕРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА КОРХОНАЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ РЎЙХАТИ

Т/р	Фаолият тури	ИФУТ бўйича коди
1.	Тўт ниҳоли ва кўчати етиштириш	01119
2.	Ипак кўртини кўпайтириш	01251
3.	Ипак тоғларини тайёрлаш ва йгириш	17150
4.	Ипак газлама ишлаб чиқариш	17240
5.	Тўт чойи ишлаб чиқариш	15860
6.	Гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш	17510
7.	Ипак газламадан тайёр кийимлар ишлаб чиқариш	18240

Изоҳ: Мазкур рўйхатга, зарурат бўлганда, «Ўзбекиқасановат» уюшмаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

ЎзР Президентининг 2019 йил 31 июлдаги ПҚ-4411-сон қарорига 6-ИЛОВА

ЭКСПОРТ ҚИЛИШДА ҲАВО ВА ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ ТРАНСПОРТИДА ТАШИШ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ 50 ФОИЗИГАЧА МИҚДОРНИ КОМПЕНСАЦИЯ ҚИЛИШГА СУБСИДИЯЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН МАҲСУЛОТЛАР РЎЙХАТИ

Т/р	Маҳсулот номи	Маҳсулотнинг ТИФ ТН коди
1.	Ипак гиламлари	5701101000, 5701901000
2.	Ипакдан ёки ипак чиқиндиларидан тўқилган бўялган матолар	5007205900, 5007206900, 5007903000, 5007909000
3.	Ипак толаси билан тўлиқ ёки қисман аралашмалли пахтали матолар	5212139000, 5212149000
4.	Ипакдан қилинган трикотаж блузқалар, блуззалар ва бошқалар	6106903000
5.	Ипакдан қилинган аёллар кўйлақлари	6204491000
6.	Ипакдан қилинган блузқалар, блуззалар ва бошқалар	6206100000
7.	Ипакдан қилинган шолпўмоллар, шарфлар ва ҳоказо	6214100000
8.	Ипакдан қилинган галстук, капалак-галстук ва ҳоказо	6215100000

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ СУГУРТА БОЗОРИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ВА УНИНГ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА*

(Кўчирма)**

Республикада молия бозорини янада ривожлантириш, аҳолини сифатли молиявий хизматлар билан қамраб олиш кўламини кенгайтириш, сугурта ташкилотлари фаолиятини кўллаб-қувватлаш, шунингдек, ушбу соҳада истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари изчил амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга ислохотларнинг ҳозирги босқичида иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашга, аҳоли ҳаётининг сифати ва даражасини оширишга йўналтирилган молиявий хизматларни фаол ривожлантириш республикада сугурта бо-

зорининг ролини кучайтиришни ва сугурта воситаларини кенг қўллашни тақозо этмоқда.

Миллий сугурта бозорини янада ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш, сугурта хизматларининг талаб юқори бўлган янги турларини жорий этиш, истеъмолчиларнинг сугурта бозорига бўлган ишончини ошириш мақсадида, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга ошириш бўйича Давлат дастурига мувофиқ;

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 3.08.2019 йилдан кучга кирди.
**Қарор «СБХ»да кўчирмада берилмоқда. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

1. Куйидагилар Ўзбекистон Республикасининг сугурта бозорини ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгиланган:

сугурта соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, шу жумладан, халқаро ташкилотларнинг стандартлари ва тавсияларини ҳамда ушбу соҳадаги энг яхши жаҳон тажрибаларини изчил жорий этиш;

тартибга солиш ва пруденциал назоратнинг самарали механизмларини жорий этиш орқали сугурта бозорининг ишончилиги ва барқарорлигини таъминлашга қaratилган сугурта фаолиятини тартибга солиш тизимини институционал ривожлантириш;

сугурта бозори профессионал иштирокчиларининг капиталлашув даражасини, тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлигини ошириш, уларнинг активлари сифатини яхшилаш, шунингдек, сугурталовчиларнинг инвестиция фаолиятини ривожлантириш;

сугурта брокерлари фаолиятини фаоллаштириш, сугурта агентларининг ишлаш тизимини такомиллаштириш, банк сугурта механизмларини жорий этиш, шунингдек, умуман сугурта бозори профессионал иштирокчиларининг ролини ошириш орқали сугурта бозори инфратузилмасини ривожлантириш ва кенгайтириш;

сугурта хизматлари истеъмолчилари ва сугурта фаолиятининг бошқа субъектлари ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш, аҳолининг сугурта саводхонлигини ва сугуртага бўлган ишончини ошириш, сугурта бозорининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш;

янги инновацион сугурта маҳсулотларини жорий этиш ва талаб юқори бўлган аънаваный маҳсулотларни ривожлантириш орқали кўрсатилаётган сугурта хизматлари ҳажмларини, турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш;

сугурта фаолиятини ташкил этиш ва тартибга солиш соҳасида замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, сугурта хизматларининг электрон турларини фаол жорий этиш ва ривожлантириш;

сугурта бозори мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, сугурта соҳасида таълим беришнинг замонавий усулларини қўллаш, илмий-тадқиқот фаолиятини рағбатлантириш;

миллий сугурта бозорининг ижобий имижини шакллантириш ва юқори даражада ушлаб туриш ҳамда инвестициявий жозибдорлигини, шу жумладан, миллий сугурта бозорини халқаро ва хорижий сугурта бозорлари билан интеграциялаш орқали ошириш.

2. Куйидагилар:
2019–2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг сугурта бозорини жадал ривожлантириш бўйича «Йул харитаси» (кейинги ўринларда – «Йул харитаси») 1-иловага*** мувофиқ;

2019–2022 йилларда Ўзбекистон Республикасининг сугурта бозорини жадал ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари 2-иловага*** мувофиқ тасдиқланган.

Вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига «Йул харитаси»да назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга ошириш, шунингдек, мақсадли кўрсаткичларга эришиш учун шахсий масъулият юклансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг:

сугурталовчиларнинг сугурта фаолияти турларига боғлиқ ҳолда дифференциацияланган **устав капитали минимал миқдорларини 3-иловага мувофиқ 2020–2022 йилларда босқичма-босқич ошириш** тўғрисида;

даромадларнинг 20 фоизигача миқдоридаги ажратмалар ҳисобига, уларни чегириладиган харажатларга киритган ҳолда шакллантириладиган **сугурта ташкилоти захира жамғармасининг** чекланган миқдорини сугурта ташкилоти устав фонднинг **50 фоизигача** ошириш тўғрисида;

сугуртанинг айрим турлари бўйича электрон полисларни («Е-полис»), шу жумладан, Интернет, мобил иловалар, инфокиосклар орқали расмийлаштириш механизмини жорий этиш, уларни қозғош шаклидаги сугурта шартномаларига (полисларига) тенглаштириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

4. Белгилансинки, 2020 йил 1 январдан бошлаб: юридик шахслар – сугурта (қайта сугурта) брокерлари ва сугурта агентлари учун **ягона солиқ тўлово ставкаси комиссия** мукофотининг **13 фоизи миқдорида белгиланади;**

сугурта (қайта сугурта) ташкилотининг бошқа сугурта (қайта сугурта) ташкилотлари устав фондларида иштирок этишига йўл қўйилмайди, сугуртанинг бошқа тармоқларидаги сугурта ташкилотлари устав фондларида уларнинг ўзаро иштирокини чеклаш шартларида иштирок этиш бундан мустасно; ваколатли давлат органи сугурталовчилар томонидан қўлланилаётган сугурта тарифларини, истеъмолчиларнинг сугурта хизматлари сифатидан қониқиши даражасини, шунингдек, сугурта маҳсулотларининг самарадорлигини таҳлил қилиш асосида сугурта захираларининг қабул қилинаётган таваккалчиликларга маъбуллигини таъминлайдиган **сугурта захираларининг минимал даражасини белгилайди.**

5. 2019 йил 1 октябрдан бошлаб шундай тартиб жорий қилинсинки, унга мувофиқ қайта сугурталовчи (қайта сугурта брокери) сугурта мажбуриятларини қайта сугурталаш учун хорижий сугурта ташкилотларига беришдан аввал бериладиган **сугурта мажбуриятларининг қайта сугурталаш шартномаларини тузиш таклифларини) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қайта сугурталаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган сугурта ташкилотларига юбориши** шарт. Бунда:

оферта шартлари сугурта мажбуриятларини хорижий сугурта ташкилотларига қайта сугурталашга бериш шартларига мувофиқ бўлиши керак;

оферта ақцепти ёки ақцептти рад этиш қайта сугурталовчилар – маҳаллий сугурта ташкилотлари томонидан, агар офертада ақцепт учун кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, **икки иш кунидан кечикмаган** ҳолда амалга оширилади;

сугурта мажбуриятлари қайта сугурталовчи – маҳаллий сугурта ташкилоти томонидан **ўзининг ушлаб қолиш ҳажми доирасида қабул қилинади;**

қайта сугурталовчи – маҳаллий сугурта ташкилоти сугурта ҳодисаси содир бўлган тақдирда ва асосий сугурта шартномаси бўйича сугурта тўловини амалга оширишда қайта сугурталаш шартномаси шартлари доирасида қайта сугурта қилдирувчининг қарорларига амал қилади.

Белгилансинки, ушбу банд талаблари **облигатор қайта сугурталашга татбиқ этилмайди** ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва инвестиция битимларида ўзгача тартиб назарда тутилган бўлса, қўлланилмайди.

6. Белгилаб қўйилсинки, жисмоний шахслар даромадларининг ҳаётни узоқ муддатли сугурталаш (барча тоифадаги

ҳаёт сугуртаси соҳаси) бўйича сугурта мукофотларини тўлаш учун Ўзбекистон Республикасида сугурта фаолиятини амалга оширишга лицензияси бўлган юридик шахсларга йўналтирилган қисми юзасидан солиқ имтиёзлари куйидаги шартларда қўлланилади:

а) **сугурта суммаси** шартнома бўйича сугурта даври бошланиши санасидан **камида 12 ойдан сўнг йўла** тўланганда. Бунда сугурта бадалларини тўлаш сугурта суммасини тўлаш санасидан **олдинги 12 ойлик даврда ўсиб бормаيدиган тартиб бўйича амалга оширилган бўлиши** керак.

Шартнома бўйича сугурталанган шахсининг ҳаётини узоқ муддатли сугурталаш (барча тоифадаги ҳаёт сугуртаси соҳаси) бўйича муайян ёшгача ёки санагача яшайдан бошқача тарздаги сугурта ҳодисаси содир бўлган тақдирда **сугурта қопламасини ёки сугурта суммасини тўлаш** кўрсатиб ўтилган имтиёз қўлланилган ҳолда шартнома бўйича сугурта даври бошланиши санасидан **12 ой ўтмасдан** амалга оширилиши мумкин;

б) **рента (аннуитет) тўлаш** шартнома бўйича сугурта даври бошланиши санасидан **камида 12 ойдан сўнг** бошланганда. Бунда жорий рентани (аннуитетни) тўлаш санасида шартнома бўйича ҳақиқатда жамланган маблағлар (захира) суммаси кўрсатиб ўтилган рента (аннуитет)нинг **тўрт бараваридан кам бўлмаслиги** керак;

в) **рентани (аннуитетни) тўлаш** шартнома бўйича сугурта даври бошланиши санасидан **12 ой ўтмасдан** бошланганда. Бунда дастлабки рентани (аннуитетни) тўлаш бошланадиган пайтда ҳақиқатда тўланган сугурта бадаллари суммаси шартнома бўйича сугурта мукофотининг **йиллик миқдоридан кам бўлмаслиги** керак ва рента (аннуитетларни) тўлаш ушбу банднинг «б» кичик банди талабларига риоя қилган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Ҳаётни узоқ муддатли сугурталаш шартномаси муддатидан олдин тўхтатилиши ёки ушбу банд талаблари бузилиши муносабати билан жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ тўлов манбаида ушлаб қолingan ва бюджетта ўтказилганда сугурталовчи томонидан сугурталанувчига оlingан сугурта мукофотлари суммаси, жисмоний шахсларнинг даромадидан ушлаб қолingan солиқ ва қайтариладиган маблағлар тўғрисида маълумотнома берилмайди.

7. 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб сугурта бозорининг профессионал иштирокчилари ҳодимларини соҳага ихтисослашган олий таълим муассасаларининг «Сугурта иши» таълим йўналиши бўйича сиртқи ва кечки бўлимларга тест синовлари ўтказилмасдан, белгиланган қабул квоталаридан ташқари пулли-контракт асосида қабул қилиш тартиби жорий этилсин.

Бунда олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш суҳбат якунлари бўйича ва куйидагилар: ҳодимда умумий ўрта ёки ўрта махсус, касб-ҳунар маълумоти ва сугурта бозорига камида **2 йил** амалий иш стаживажуд бўлиши;

контракт иш бевуричи – сугурта бозорининг профессионал иштирокчиси томонидан кафолатли тўланиши ва ҳодим – битирувчи ўқишни тамомлагандан кейин сугурта бозорининг профессионал иштирокчиси штадида **3 йил** мобайнида мажбурий ишлаб бериши шarti билан амалга оширилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси билан биргаликда сугурта бозори мутахассисларининг хорижий таълим ва бошқа ташкилотларда таълим олиши, малака ошириши ва стажировка ўташи тизимли асосда ташкил этилишини белгиланган тартибда таъминласин.

Ўзбекистон сугурта бозорининг профессионал иштирокчилари уюшмасига сугурта бозори мутахассисининг чет

элда ўқиши, малакасини ошириши ёки стажировка ўташи зарурлигини асослантирган ҳолда унга нисбатан тавсия хатини белгиланган тартибда «Эл-юрт умиди» жамғармасига киритиш ҳуқуқи берилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги **2019 йил 30 ноябрга қадар** Бирлашган Араб Амириклари ҳукуматининг техник кўмағида давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш дастурига сугурта фаолияти соҳасидаги мутахассислар малакасини ошириш бўйича алоҳида йўналиш киритиш масаласини кўриб чиқсин.

10. Молия вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Сугурта назорати давлат инспекцияси негизида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Сугурта бозорини ривожлантириш агентлигини (кейинги ўринларда – Агентлик) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

11. Куйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

сугурта бозорининг ишлаши ва унинг профессионал иштирокчилари фаолияти очиқлиги ва шаффофлигини, шу жумладан, сугурта фаолияти соҳасидаги статистик ва молиявий кўрсаткичларни мунтазам эълон қилиш йўли билан таъминлаш;

сугурта хизматлари истеъмолчилари ва сугурта муносабатларининг бошқа иштирокчилари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, аҳолининг сугурта бозорига ишончини оширишга ва жамиятда сугурта маданиятини ривожлантиришга кўмаклашиш;

сугурта бозори мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириши, шу жумладан, чет элда, шунингдек, халқаро даражадаги экспертлар ва мутахассисларни жалб қилган ҳолда таълим этишга кўмаклашиш;

сугурталовчиларнинг тўлов қобилияти, сугурта захираларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш бўйича мажбурий норматив ва талабларни белгилаш, шунингдек, самарали сугурта фаолиятини ташкил этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

сугурта бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан сугурта фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатларига, шунингдек, уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича белгиланган норматив ва талабларга риоя этилишини назорат қилиш;

сугурталовчилар (қайта сугурталовчилар) ва сугурта брокерларининг сугурта фаолиятини лицензиялаш, актуарийлар фаолиятини сертифициклаш;

сугурта бозорининг ҳолати ва унинг профессионал иштирокчилари фаолиятининг ҳисоби ва ҳисоботини юритиш, масофавий назорат қилиш ва тезкор онлайн-мониторингини олиб бориш бўйича интеграциялаштирилган ахборот тизимини шакллантириш ва юритиш;

аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган сугурта хизматларининг талаб юқори бўлган аънаваный турларини ривожлантиришга ва янги турларини жорий қилишга кўмаклашиш, кишлоқ хўжалиги фаолияти соҳасида сугурта ҳимоясини кучайтириш;

хорижий давлатларнинг ўқшаш тизимлари, халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий ташкилотлар билан сугурта фаолияти соҳасида ҳамкорликни ташкил этиш.

12. Белгилансинки: Агентлик сугурта бозорини тартибга солиш ва ривожлантириш бўйича ваколатли давлат органи, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг сугурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш қисмидаги барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади; Агентликни сақлаш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа манбалар ҳисобида амалга оширилади;

***Қарорга 2–5, 7-иловалар «СБХ»да берилмаиди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Нотам» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

Ишлар (хизматлар) турлари	Қуйидаги ҳолларда ҚҚС тўлаймиз
Қуйидагиларнинг хизматлари: • товарларни (ишларни, хизматларни) олиш бўйича воситачининг (ишончли вақилнинг); • ушбу бўлимда назарда тутилган хизматларни амалга ошириш учун шартноманинг (контрактнинг) асосий иштирокчиси номидан жалб этувчи шахснинг	сотиб олувчи Ўзбекистонда фаолиятини амалга ошираётган бўлса
Қолган ишлар (хизматлар)	ижро этувчи Ўзбекистонда фаолиятини амалга ошираётган бўлса

Ёрдамчи ишлар (хизматлар)

Асосий ишлар (хизматлар) реализация қилинган жойга қараб ёрдамчи ишларни (хизматларни) реализация қилиш жойини аниқланг. Асосий ишларни (хизматларни) реализация қилиш жойи Ўзбекистон бўлса, ёрдамчи ишларни (хизматларни) реализация қилиш жойи унинг ўзи бўлади.

Қонунчиликда ишларни (хизматларни) асосий ёки ёрдамчи ишлар (хизматлар) сирасига киритиш мезонлари белгиланмаган. Амалиётнинг кўрсатишича, ёрдамчи ишлар (хизматлар) қуйидаги аломатларга эга:

- асосий ишлар (хизматлар) каби, ёрдамчи ишлар (хизматлар) биргина корхона томонидан амалга оширилади;
- ҳам асосий, ҳам ёрдамчи ишлар (хизматлар) буюртмачиси (сотиб олувчиси) биргина шахс бўлади;
- ёрдамчи ишлар (хизматлар) асосий ишлар (хизматлар) бўйича тузилган шартнома асосида бажарилиб, асосий ишлардан (хизматлардан) ажралмас дея саналади.



Хорижий ташкилот билан ҳамкорлик қилганда шартнома матнида қандай ишлар (хизматлар) мустақил тусга эга эканлигини, қайсылари уларга нисбатан ёрдамчи эканлигини қайд этинг. Шу тариқа ушбу масалага ойдинлик киритасиз, солиқ органлари билан низолашишга ўрин қолдирмайсиз.

ВАЗИЯТ. Ўзбекистон корхонаси Қозоғистон ҳудудида бурғулаш минорасини ўрнатмоқда. Бундан ташқари, ишларни қабул қилувчи унга ишларни бажариш учун зарур бўлган ускуналарни ташиш ҳақини тўламоқда. Минорани ўрнатиш ишларини реализация қилиш жойи – Қозоғистон, чунки кўчмас мулк объекти ўша ерда жойлашган. Бошқа вазиятда ташиш хизматларини реализация қилиш жойи Ўзбекистон дея эътироф этилган бўлар эди. Бироқ бу ҳолда эмас! Бунда транспорт хизматлари асосий хизматларга (минорани ўрнатиш) нисбатан ёрдамчи саналади. Шу сабабли Ўзбекистон ускуналарни ташиш хизматларини реализация қилиш жойи деб ҳисобланмайди, бу ҳолда унинг ҳудудида ҚҚС тўланмайди.



Реализация қилиш жойини тасдиқловчи ҳужжатлар

Солиқ кодексда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш жойини тасдиқловчи ҳужжатларнинг аниқ рўйхати келтирилмаган. Амалиётда қуйидагиларни улар сирасига киритиш мумкин:

- олди-сотди, ишларни бажариш (хизматларни кўрсатиш) бўйича шартнома;
- товар реализация қилинганлиги, ишлар бажарилганлиги (хизматлар кўрсатилганлиги) далилини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- бажарилган ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномалари (хизматлар кўрсатилганлиги тўғрисидаги далолатномалар);
- товар харидорларга жўнатилганлигини тасдиқловчи ҳуж-

жатлар (БЮД, товар юкхатлари, товар-транспорт юкхатлари ва ҳ.к.);

• ходимлар чет элга хизмат сафарига юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

• хорижий компания чет элда рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

• хорижда юк ташилганлигидан гувоҳлик берувчи боғхона ва транспорт ҳужжатлари;

• хорижда кўчар ва кўчмас мулк жойлашган жой ҳақида гувоҳлик берувчи ҳужжатлар;

• товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш жойи Ўзбекистон ёки хорижий давлат ҳудуди эканлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар.

«Norma» МЧЖ экспертлари тайёрладилар.

Давоми бор.


РЕКЛАМА

«КОРХОНА ЮРИСТИ»

электрон маълумотнома тизимини ЎЗБЕК ТИЛИДА тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1. Тел: (998 71) 200-00-90.
E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛИШ ЛОЗИМ*



Экспертларимиз бухгалтерларга ёрдам сифатида ҚҚСни ҳисоблаш қоидаларини, уни ҳисоблаб чиқариш, ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш билан боғлиқ мураккаб масалаларни мисоллар ёрдамида тушунтиришда давом этадилар.

ТОВАРЛАРНИ (ИШЛАРНИ, ХИЗМАТЛАРНИ) РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЖОЙИ ҚАНДАЙ АНИҚЛанаДИ

Товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинганда, фақат Ўзбекистон ҳудудида реализация қилинган бўлса, ҚҚС тўланг. Уларни республика ҳудудидан ташқарида реализация қилсангиз, солиқ тўлаш керак эмас.

Реализация қилиш жойини аниқлаш қоидалари Солиқ кодексининг 202-моддасида келтирилган, товарлар ва ишлар (хизматлар) учун улар – турлича.



Ишлар ва хизматларни норезидент бажарса (кўрсатса), ҚҚСни ушбу ишлар ва хизматларни олувчи тўлайди (Солиқ кодексининг 200-моддаси).

Товарларни реализация қилиш жойи қандай аниқланади

Умумий қоидага кўра, қуйидаги шартлардан лоақал биттаси бажарилган бўлса, товарлар Ўзбекистонда реализация қилинган деб ҳисобланади:

- товар Ўзбекистон ҳудудида турган бўлса ва реализация қилинганда уни тарк этмаса;
 - жўнатиш ёки ташиш бошланган пайтда товар Ўзбекистон ҳудудида турган бўлса.
- Сотувчи товарни топшириш бўйича мажбуриятини бажарганини тасдиқловчи дастлабки жўнатиш ҳужжатида қайд этилган санага қараб товарлар жўнатилган пайтни белгиланг.

Масалан, товар ёки товар-транспорт юкхати тузилган санага қараб.

Кўрсатилган шартлардан бирортаси бажарилмаса, товарларни реализация қилишдан ҚҚС тўланган. Масалан, қуйидагилар сотилганда солиқни тўлаш керак эмас:

- чет давлат ҳудудида жойлашган бино ёки транспорт воситаси;
- бир чет давлатда сотиб олинган ва бошқа чет давлат ҳудудига Ўзбекистон орқали транзит олиб ўтилатган товарлар.

*Давоми. Боши «СБХ»нинг 25.06.2019 йилдаги 26 (1298), 2.07.2019 йилдаги 27 (1299), 30.07.2019 йилдаги 31 (1303), 6.08.2019 йилдаги 32 (1304)-сонларида.

ВАЗИЯТ. Ўзбекистон корхонаси Россия компаниясига товар сотади, шу мақсадда уни экспорт божхона режимида жойлаштиради

Бу ҳолда Солиқ кодексининг 202-моддасида белгиланган шартлардан бири бажарилапти, яъни – товар жўнатиш ёки ташиш пайтида Ўзбекистон ҳудудида бўлган. Бинобарин, Ўзбекистон уни реализация қилиш жойи деб эътироф этилади ва Ўзбекистон корхонасида ҚҚС солинадиган объект юзага келади. Бироқ товарларни чет эл валютасида экспортга реализация қилиш (қимматбаҳо металллар бундан мустасно) оборотида ноль даражали ставка бўйича ҚҚС солинишини инобатга олинган (Солиқ кодексининг 212-моддаси).

ВАЗИЯТ. Ўзбекистон корхонаси Германия ҳудудида бўлган товарни Россия компаниясига сотади

Бу ҳолда Солиқ кодексининг 202-моддасида белгиланган шартлардан бирортаси бажарилмапти, чунки товар аввал бошдан Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида бўлган. Республика ушбу операция амалга оширилган жойи деб ҳисобланмайди, ҚҚС солиш объекти ҳам юзага келмайди.

Ишлар ва хизматларни реализация қилиш жойи қандай аниқланади

Солиқ кодексининг 202-моддасида ишлар ёки хизматларни реализация қилиш жойини аниқлашнинг 4 та мезони белгиланган:

- мол-мулк турган, ишлар (хизматлар) у билан боғлиқ бўлган жой бўйича;
- ҳақиқатда ишлар бажарилган (хизматлар кўрсатилган) жой бўйича;
- ишларни (хизматларни) сотиб олувчи фаолиятини амалга ошираётган жой бўйича;

• ишларни (хизматларни) ижро этувчи фаолиятини амалга ошираётган жой бўйича.

Умумий қридага кўра, ишларни (хизматларни) реализация қилиш жойи уларнинг ижроси фаолият юритаётган жойга қараб аниқланади.

Бироқ айрим турдаги ишлар (хизматлар) учун истиснолар мавжуд.

Мол-мулк турган, ишлар (хизматлар) у билан боғлиқ бўлган жой

Кўчар ва кўчмас мулк билан бевосита боғлиқ бўлган ишларни (хизматларни) реализация қилиш жойи у жойлашган жойга қараб аниқланади. Яъни бундай ишлар (хизматлар), мол-мулкнинг ўзи шу ерда бўлса, Ўзбекистонда реализация

қилинган ҳисобланади. Ва аксинча: мол-мулк хорижда бўлса, демак, Ўзбекистон корхонаси бажарган ишлар (хизматлар) хорижда реализация қилинган ҳисобланади (Солиқ кодексининг 202-моддаси 1, 2-бандлари).

Эслатиб ўтамиз: Кўчмас мулк жумласига қуйидагилар қиради: ер участкалари, ер ости бойликлари, бинолар, иншоотлар, кўп йиллик дов-дарахтлар ва ер билан узвий боғланган бошқа мол-мулк. Бошқача айтганда, улар зарар етказмаган ҳолда жойини ўзгартириш мумкин бўлмаган, бунинг натижасида улардан бевосита мақсадига кўра фойдаланиб бўлмайдиган объектлардир. Бундан ташқари, қонунчиликда бошқа мол-мулк ҳам кўчмас мулк қаторига киритилиши мумкин. Кўчмас мулк жумласига кирмайдиган мол-мулк кўчар мулк ҳисобланади (ФКнинг 83-моддаси).

Қурилиш, монтаж, қурилиш-монтаж, ишга тушириш-созлаш, таъмирлаш, реставрация қилиш, кўкаламзорлаштириш ишлари, кўчмас мулкни ижарага бериш каби ишлар кўчмас мулк билан боғлиқ.

! Келтирилган ишлар (хизматлар) рўйхати батафсил эмас, шу сабабли ўз вазиятингиздан келиб чиқиб, бошқа шунга ўхшаш ишларни (хизматларни) ҳам улар жумласига киритишингиз мумкин. Масалан, қурилиш майдончасини тайёрлаш бўйича турли ишларни, ер қазих ишларини, муҳандислик изланишларини, геодезия ишларини ва ҳ.к.

Шу тариқа, ишлар (хизматлар) Ўзбекистонда жойлашган кўчмас мулк билан боғлиқ бўлса, уларни реализация қилиш жойи Ўзбекистон деб эътироф этилади. Демак, ҚҚС ҳам Ўзбекистон бюджетига тўланиши керак.

Монтаж қилиш, созлаш, йиғиш, қайта ишлаш, ишлов бериш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш кўчар мулк билан боғлиқ ишлар (хизматлар) жумласига қиради.

! Мазкур ишлар (хизматлар) рўйхати – ёпиқ. Шу сабабли кўчар мулк билан боғлиқ ишлар (хизматлар) номини шартномада қайд этаётганда айнан шу ибораларни қўлланинг.

Мазкур рўйхатда кўрсатилмаган қандайдир бошқа иш (хизмат) бажарилса, уни реализация қилиш жойи бошқача аниқланади. Масалан, транспорт хизматлари бевосита кўчар мулк билан боғлиқ. Бироқ уларни реализация қилиш жойи транспорт воситаси жойлашган жойга қараб эмас, балки ушбу хизматларни кўрсатувчи шахс фаолиятини амалга ошираётган жойга қараб аниқланади.

• доимий фаолият кўрсатадиган ижро этувчи орган жойлашган ерга қараб;

• ишлар (хизматлар) доимий муассаса орқали бажарилган (кўрсатилган) бўлса, у жойлашган ерга қараб аниқланади.

ВАЗИЯТ. Ўзбекистон корхонаси Шарқий Европа мамлакатлари бозорида ўз товарини илгари суриш мақсадида маркетинг тадқиқоти ўтказиш учун Латвия консалтинг фирмаси билан шартнома тузди
Хизматларнинг бу тури Солиқ кодексининг 202-моддаси 4-бандида кўрсатилмаганлиги сабабли ижро этувчи фаолиятини амалга ошираётган жой, яъни Латвия ҳудуди уларни реализация қилиш жойи бўлади. Ўзбекистон корхонаси Латвия фирмасига фақат маркетинг хизматлари қийматини тўлайди. Ўзбекистонда хизматлар қийматидан ҚҚС тўланиши керак эмас.

ВАЗИЯТ. Ўзбекистон юридик шахси Россия корхонасига юк ташиш хизматларини кўрсатади

Ушбу хизмат Солиқ кодексининг 202-моддаси 1–4-бандларида назарда тутилмаганлиги сабабли уни реализация қилиш жойи ижро этувчи фаолиятини амалга ошираётган жойга қараб аниқланади. Мазкур ҳолда у – Ўзбекистон.

Ўзбекистон юридик шахси учун Россия корхонаси ҳудди шундай хизматни кўрсатса, Россия реализация қилиш жойи деб эътироф этилади. Бунда юк жўнатиладиган ёки тайинланган пункт жойлашган жойдан қатъи назар, ушбу ҳолда қўлланилишини инобатга олинг.

МИСОЛ. Ўзбекистон транспорт компанияси Россия корхонасининг буюртмасига кўра Ўзбекистондан Россияга юк ташиш

Шартнома ва ташиш ҳужжатларига кўра хизматлар қиймати 3 500 АҚШ долларини ташкил этади. Мазкур ҳолда Ўзбекистон транспорт хизматларини реализация қилиш жойи деб эътироф этилади, шу сабабли Ўзбекистон компанияси ўз хизматлари қийматидан ҚҚС тўлаши керак.

Бироқ халқаро йўналишида ташишларга ноль даражали ставкада ҚҚС солинишини инобатга олинг (Солиқ кодексининг 216-моддаси). Яъни буюртмачига солиқ суммаси ёзиб берилмайди. Бироқ мазкур оборот мақсадида фойдаланилган товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб бериувчиларга тўланган ҚҚС суммалари ҳисобга олиниши мумкин (Солиқ кодексининг 218-моддаси).

Шу тариқа, Ўзбекистон корхонаси буюртмачига 0%лик ставкадаги ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда 3 500 АҚШ долларлик хизматлар қийматини тақдим этади.

МИСОЛ. Россия транспорт компанияси Ўзбекистон корхонаси буюртмасига кўра Россиядан Ўзбекистонга юк ташиш

Шартнома ва ташиш ҳужжатларига кўра хизматлар қиймати 3 500 АҚШ долларини ташкил этади. Мазкур ҳолда Россия транспорт хизматларини реализация қилиш жойи деб эътироф этилади, шу сабабли Ўзбекистон корхонасида ҚҚС солинадиган оборот юзага келмайди. У ташувчига фақат 3 500 АҚШ долларини тўлайди.

Ўзбекистоннинг ишларни (хизматларни) реализация қилиш жойи деб тан олинishi ва ҚҚС солинадиган оборот юзага келиши мезонларини умумлаштиришимиз:

Ишлар (хизматлар) турлари	Қуйидаги ҳолларда ҚҚС тўлаймиз
Кўчмас мулк билан боғлиқ (очиқ рўйхат): қурилиш, монтаж, қурилиш-монтаж, ишга тушириш-созлаш, таъмирлаш, реставрация қилиш, кўкаламзорлаштириш ишлари, кўчмас мулкни ижарага бериш ва ҳ.к.	мол-мулк Ўзбекистон ҳудудида бўлса
Кўчар мулк билан боғлиқ (ёпиқ рўйхат): монтаж қилиш; созлаш; йиғиш; қайта ишлаш; ишлов бериш; таъмирлаш; техник хизмат кўрсатиш	хизматлар Ўзбекистонда кўрсатилган бўлса
Қуйидаги соҳаларда: туризм; маданият; санъат; таълим; jisмоний тарбия; спорт	
Интеллектуал мулк объектлари билан боғлиқ: <ul style="list-style-type: none"> • уларга бўлган ҳуқуқни бериш; • улардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш 	
Маслаҳат бериш	
Аудиторлик	
Юридик (авакатлик)	
Бухгалтерлик	
Инжиниринг	
Реклама	
Ахборотга ишлов бериш	
Ходимлар бериш (агар ходимлар сотиб олувчи ўз фаолиятини амалга ошираётган жойда ишлаётган бўлса)	
Кўчар мулкни ижарага бериш (транспорт воситалари бундан мустасно)	
Алоқа хизматлари	сотиб олувчи Ўзбекистонда фаолиятини амалга ошираётган бўлса

тўғрисида далолатнома имзоланган санадаги МБ курси – 8 485,91 сўм. Ўзбекистон корхонаси – хизматларни сотиб олувчи (бюртмачи) 16 971 820 сўм (10 000 x 8 485,91 x 20%) миқдоридagi ҚҚСни бюджетга тўлаши керак.

4) кўчар мулкни ижарага бериш, транспорт воситалари бундан мустасно.

Кўчмас мулкни ижара беришда у жойлашган жойга қараб ҚҚС тўланади. Ундан фаркли ўлароқ, кўчар мулкни ижарага беришда ҚҚСни мол-мулкни олувчи – ижарага олувчи тўлайди.

ВАЗИЯТ. Ўзбекистон корхонаси Россиядаги заводлардан биридан бир нечта дастгоҳни ижарага олади, уларда Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган ўз маҳсулоти учун бутловчи қисмларни ишлаб чиқаради. Ўзбекистон корхонаси Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида бўлган кўчар мулкни ижарага олар экан, ҚҚС Ўзбекистонда тўланиши керак. Бироқ реализация қилиш жойи ижарага берувчи фаолиятини амалга ошираётган жойга қараб аниқланадиган транспорт воситалари ижарасига мазкур норма татбиқ этилмаслигини инобатга олинг.



МИСОЛ. Ўзбекистон корхонаси РФдаги дастгоҳларни ижарага олган

Ўзбекистон корхонасининг дастгоҳларни ижарага олиш қиймати – ойига 50 000 рубль. Россия тарафи ҳисоббарақ-фактура ёзиб берган санада МБ томонидан белгиланган Россия рублининг курси – 130,41 сўм. Ўзбекистон корхонаси бюджетга тўлаши лозим бўлган ҚҚС суммаси 1 304 100 сўмни (50 000 x 130,41 x 20%) ташкил этади.

МИСОЛ. Ўзбекистон корхонаси хорижий компания билан тузилган лизинг шартномасига кўра юк автомобиллини олди. Транспорт воситаси лизинг предмети бўлганлиги сабабли хизматни реализация қилиш жойи ижарага берувчи фаолиятини амалга ошираётган жойга қараб аниқланади. Мазкур ҳолда у – Ўзбекистон норезиденти, бинобарин, Ўзбекистон корхонаси олинган лизинг хизматларидан ҚҚС тўлаши керак эмас.

5) товарларни (ишларни, хизматларни) олиш бўйича воситачи (ишончли вакил), шунингдек мазкур хизматларни амалга ошириш учун шартноманинг (контрактнинг) асосий иштирокчиси номидан жалб этувчи шахс хизматларини кўрсатиши.

Ўзбекистон резиденти воситачи (ишончли шахс) – бошқа давлат резиденти билан воситачилик хизматлари кўрсатиш учун шартнома тузса, Ўзбекистон хизматларни реализация қилиш жойи бўлади. Бинобарин, воситачига тўланадиган воситачилик ҳақига Ўзбекистон ҳудудида ҚҚС солинади.

ВАЗИЯТ. Ўзбекистон корхонаси хорижий компания – Ўзбекистон норезиденти билан воситачилик хизматлари кўрсатиш учун шартнома тузди. Хорижий компания Ўзбекистон корхонаси учун ҳақ эвазига товар сотиб олиш мажбуриятини олди. Сотиб олувчи (хизматлар буюртмачиси) фаолиятини амалга ошираётган жойи Ўзбекистон ҳисобланар экан, хорижий компанияга тўланадиган воситачилик ҳақидан ҚҚСни буюртмачи ҳисоблайди ва тўлайди.

МИСОЛ. Ўзбекистон корхонаси норезидентдан воситачилик хизматини олди

Воситачи – Ўзбекистон норезидентининг ҳисоботига кўра, унга тўланадиган ҳақ суммаси 5 000 АҚШ долларини ташкил этади. Воситачилик хизматларини кўрсатиш тўғрисида далолатнома имзоланган санадаги МБ курси – 8 485,91 сўм. Ўзбекистон корхонаси – комитент норезидентнинг воситачилик хизматларидан 8 485 910 сўм (5 000 x 8 485,91 x 20%) миқдорида ҚҚС тўлаши керак.

Алоқа хизматларини кўрсатиш

Алоқа хизматларига қуйидагилар киради («Алоқа тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддаси):

- почта хизматлари – почта жўнатмаларини қабул қилиш олиш, ташиш ва кўрсатилган жойга етказиб бериш;
- телекоммуникация тармоқлари – бир ёки бир нечта узатиш турларини: телефон, телеграф, факсимил узатишларни, ҳужжатли хабарларнинг бошқа турлари маълумотларини узатишни, телевидение ва радиозастиртириш дастурларини трансляция қилишни тўғрисида.

Алоқа операторлари тақдим этадиган хизматларга, масалан, қуйидагилар киради:

- халқаро алоқа каналлари давлатлар ҳудудидан ўтиши ҳуқуқини бериш, халқаро алоқа каналларини ижарага бериш;
- халқаро телефон алоқаси хизматлари;
- халқаро Интернет тармоғига кириш ҳуқуқи;
- хорижий ва маҳаллий узли алоқа компаниялари тақдим этадиган роуминг хизматлари.

Хизматларни сотиб олувчи Ўзбекистонда фаолият юритса, унинг ҳудуди уларни реализация қилиш жойи деб эътироф этилади.

кодeксининг 202-моддаси). Аввало у давлат рўйхатидан ўтказилган жойга қараб, у мавжуд бўлмаган тақдирда:

- таъсис ҳужжатларида кўрсатилган жойга қараб;

ВАЗИЯТ. Россия қурилиш компанияси Ўзбекистон корхонаси билан тузилган шартномага кўра Ўзбекистонда спорт мажмуасини қурмоқда.

Компаниянинг Ўзбекистонда ўз ваколатхонаси мавжуд эмас

Мазкур ҳолатда норезидент бажараётган ишлар кўчмас мулк (қурилиш объекти) билан боғлиқ. Шу сабабли ижрочи хорижий компания эканлигига қарамай, ишларни реализация қилиш жойи Ўзбекистон ҳисобланади. Бинобарин, Россия компаниясининг қурилиш ишларига Ўзбекистонда ҚҚС солинади.

ВАЗИЯТ. Ўзбекистон корхонаси Германия ҳудудида жойлашган Германия фирмаларидан биринини ишлаб чиқариш ускунасига техник хизмат кўрсатади

Ўзбекистон корхонаси Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида хизматларни кўрсатаётган экан, мамлакатимиз уларни реализация қилиш жойи деб эътироф этилмайди. Тегшинча, унинг ҳудудида бундай хизматларга ҚҚС солинмайди.

ВАЗИЯТ. Хорижий юридик шахс Ўзбекистонда бино сотиб олиб, уни Ўзбекистон корхонасига ижарага берган ҚҚС солиш мақсадида ижара хизмат деб эътироф этилади. Бино (кўчмас мулк) Ўзбекистон ҳудудида жойлашгани инобатга олинса, ушбу хизматни реализация қилиш жойи республика ҳудуди ҳисобланади. Шу сабабли хорижий корхонага тўланадиган ижара тўлови суммасидан ҚҚСни Ўзбекистон корхонаси тўлаши шарт.

МИСОЛ. Ўзбекистон корхонаси Ўзбекистон норезиденти бўлган юридик шахсдан бинони ижарага олади. Ижара шартномасида белгиланган ойлик ижара тўлови 10 000 минг сўмни ташкил этади. Ижарага берувчига 10 000 минг сўм миқдорида ижара тўловини тўлашдан ташқари, ижарага олувчи Ўзбекистон корхонаси норезидентдан олинган хизматлардан 2 000 минг сўм (10 000 x 20%) миқдоридаги ҚҚСни бюджетга тўлаши шарт.



Соддалаштирилган ҚҚС тўловчиси бўлсангиз, норезидентлардан олинган ишлар (хизматлар) бўйича ҚҚСнинг 20%лик ставкасини қўлланг (Солиқ кодексининг 226-3-моддаси).

Ҳақиқатда ишларни бажариш (хизматларни кўрсатиш) жойи

Туризм, маданият, санъат, таълим, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида хизматларни реализация қилиш жойини улар ҳақиқатда кўрсатилган жойга қараб аниқланг. Улар Ўзбекистонда кўрсатилган бўлса, уларни ким – хорижий компания ёки

Ўзбекистон корхонаси кўрсатишидан қатъи назар, реализация қилиш жойи Ўзбекистон бўлади. Бинобарин, хизматларни реализация қилиш Ўзбекистонда ҚҚС солинадиган оборот деб эътироф этилади (Солиқ кодексининг 202-моддаси 3-банди).

ВАЗИЯТ. Россия компанияси Ўзбекистонда таниқли артистларнинг концертларини ўтказиш бўйича хизматлар кўрсатади

Ушбу хизматлар Ўзбекистонда кўрсатилганлиги сабабли у уларни реализация қилиш жойи деб эътироф этилади. Тегшинча, мазкур хизматлар бўйича ҚҚС Ўзбекистон бюджетига тўланиши керак.

ВАЗИЯТ. Хорижий компания Ўзбекистонда халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш бўйича хизматлар кўрсатади. Мазкур ҳолатда Ўзбекистонда хизматлар кўрсатилган, шу сабабли у уларни реализация қилиш жойи деб эътироф этилади. Бироқ жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг хизматлари, спорт мусобақаларини ўтказиш хизматлари ҳам улар жумласига киради, ҚҚС солишдан озод этилганини инобатга олинг (Солиқ кодексининг 208-моддаси 15-банди).

Эслатиб ўтамиз: Ўзбекистонда таълим қуйидаги турларда амалга оширилади («Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддаси):

- мактабгача таълим;
- умумий ўрта таълим;
- ўрта махсус, касб-хунар таълими;
- олий таълим;
- олий ўқув юртидан кейинги таълим;
- кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;
- мактабдан ташқари таълим.



Бунда мактабгача таълим муассасаларида болаларни тарбиялашга доир хизматлар, шунингдек олий, ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртиларида, кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи

ташкilotларда таълим бериш (ҳақ эвазига ўқитишга доир қисми бўйича) хизматлари ҚҚС тўлашдан озод этилган (Солиқ кодексининг 208-моддаси 2, 11-бандлари).



Семинарлар, конференциялар, бир марталик мавзувий маърузалар, симпозиумлар ва ҳ.к. ўтказишни таълим соҳасидаги хизматлар жумласига киритиб бўлмайди. Бундай хизматлардан мақсад – иштирокчиларга муайян ахборотни тақдим этиш, уларга билим даражасини тасдиқловчи яқини ҳужжат берган ҳолда қандайдир билим бериш эмас. Бундай хизматларни реализация қилиш жойини улар кўрсатиладиган жойга қараб эмас, балки умумий қоидага кўра – мазкур хизматларни етказиб берувчи (реализация қилувчи) фаолиятини амалга ошираётган жойга қараб аниқлана.

ВАЗИЯТ. *Ўзбекистон корхонаси Туркия компаниясининг буюртмасига кўра Истанбулда симпозиум ташкил этмоқда*

Симпозиумларни ташкил этиш хизматлари таълим хизматлари жумласига кирмаслиги сабабли уларни реализация қилиш жойи ижрочининг фаолиятини амалга ошириш жойига қараб аниқланади.

Мазкур ҳолатда хизматларни реализация қилиш жойи – Ўзбекистон, сабаби симпозиум Туркияда ўтказилаётганига қарамай, уларни Ўзбекистон корхонаси кўрсатмоқда. Шу боис Ўзбекистон корхонаси ўз хизматлари қийматидан ҚҚС тўлайди. Солиштириш учун: хизматлар таълим хизматлари жумласига кирганда реализация қилиш жойи улар кўрсатилган жойга (Туркия) қараб аниқланар, Ўзбекистонда уларга ҚҚС солинмаган бўларди.

Ишларни (хизматларни) сотиб олувчи фаолиятини амалга ошираётган жой

Сотиб олувчи фаолиятини амалга ошираётган жой у давлат рўйхатидан ўтказилган жойга қараб аниқланади. Давлат рўйхатидан ўтказилмаган бўлса, у ҳолда:

- корхонанинг таъсис ҳужжатларида кўрсатилган жойга қараб;
- доимий фаолият кўрсатадиган ижро этувчи орган жойлашган ерга қараб;
- агар ишлар (хизматлар) доимий муассаса орқали бажарилган (кўрсатилган) бўлса, у жойлашган ерга қараб.

Сотиб олувчи фаолиятини амалга ошираётган жойга қараб қуйидаги ишларни (хизматларни) реализация қилиш жойи аниқланади (Солиқ кодексининг 202-моддаси 4-банди):

- 1) интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқни ўтказиш ёки улардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш.

Эслатиб ўтамиз: Интеллектуал мулк объектлари жумласига қуйидагилар киради (ФКнинг 1031-моддаси):

- 1) интеллектуал фаолият натижалари:

- фан, адабиёт ва санъат асарлари;
- ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотларнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришлари;
- ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари;
- ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари;
- селекция ютуқлари;
- ошкор этилмаган ахборот, шу жумладан ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хау);

- 2) фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар, ишлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар:

- фирма номлари;
- товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари);
- товарлар чиқарилган жой номи;

- 3) интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар.



ВАЗИЯТ. *Ўзбекистон корхонаси хорижий компаниядан қуйидагиларни сотиб олади:*

Ўзбекистон ҳудудига кинофильм кўрсатиш ҳуқуқи;

Ўзбекистонда норезидентнинг товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқи;

муайян турдаги буюмларни ишлаб чиқариш учун лицензия.

Барча ҳолларда ҳуқуқлардан фойдаланганлик учун хорижий компанияга тўланадиган оборотлар бўйича ҚҚС Ўзбекистонда тўланиши керак, сабаби хизматни сотиб олувчи Ўзбекистонда рўйхатдан ўтказилган.

ВАЗИЯТ. *Ўзбекистон корхонаси компьютер дастурини ишлаб чиқиб, ундан фойдаланиш учун мутлақ ҳуқуқни хорижий компанияга берди*

Интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқ берилганда, хусусан, ЭХМ учун дастурлар ҳам улар жумласига киради, ишларни (хизматларни) реализация қилиш жойи сотиб олувчи фаолиятини амалга ошираётган жойга қараб аниқланади.

Хорижий компания Ўзбекистон ҳудудига фаолият юритмаса, Ўзбекистон ҳудуди хизматни реализация қилиш жойи деб эътироф этилмайди. Демак, ҚҚС бўйича солиқ солинадиган объект юзага келмайди.

- 2) маслаҳат бериш, аудиторлик, юридик (адвокатлик), бухгалтерлик, реклама, инжиниринг хизматлари, шунингдек ахборотга ишлов бериш хизматларини кўрсатиш.

Инжиниринг хизматлари жумласига маҳсулотни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва реализация қилиш жараёнига тайёргарлик, саноат, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа объектлар қурилиши ҳамда улардан фойдаланишга тайёргарлик бўйича муҳандислик-маслаҳат бериш йўсинидаги хизматлар, лойиҳалаш олди ва лойиҳалаш хизматлари (техник-иқтисодий асосларни, лойиҳа-конструкторлик ечимларини тайёрлаш ва ҳ.к.) киради.

Ахборотга ишлов бериш хизматлари жумласига ахборот массивларини тўплаш ва умумлаштириш, тизимлаштириш ҳамда бу ахборотга ишлов бериш натижаларини фойдаланувчилар тасарруфига тақдим этиш хизматлари киради (Солиқ кодексининг 202-моддаси 4-банди).

ВАЗИЯТ. *Ўз мамлакатда фаолият юритувчи хорижий реклама фирмаси Ўзбекистон корхонаси билан тузилган шартномага кўра хорижий босма нашрда ушбу корхона ва унинг маҳсулотини ҳақида мақола чоп этди*

Бундай хизматлар реклама хизматларига киради («Реклама тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддаси). Сотиб олувчи фаолиятини амалга ошираётган жой реклама хизматларини реализация қилиш жойи деб эътироф этилади. Шу сабабли хорижий компания оборотлари бўйича ҚҚС Ўзбекистон корхонаси томонидан Ўзбекистонда тўланиши керак.



Олинган ишлар (хизматлар) учун ҳақни чет эл валютасида тўласангиз, ҚҚС солинадиган оборотни бу оборот амалга оширилган санадаги МБ курси бўйича сўмда қайта ҳисоблаб чиқинг (Солиқ кодексининг 207-моддаси).

Эслатиб ўтамиз: Ишларни, хизматларни реализация қилиш обороти амалга оширилган сана қуйидаги шартлардан бири бажарилганда бошланади (Солиқ кодексининг 203-моддаси):

ҳисобварақ-фактура ёзиб берилганда;

ишлар бажарилганлиги, хизматлар кўрсатилганлиги фактини тасдиқловчи ҳужжатлар расмийлаштирилганда.

МИСОЛ. *Хорижда реклама хизматларини олиш*

Хорижий босма нашрда мақолани чоп этиш бўйича реклама хизматларининг қиймати 1 200 АҚШ долларини ташкил этади. Хизматлар кўрсатилганлиги тўғрисида далолатнома имзоланган санадаги МБ курси – 8 485,91 сўм. Ўзбекистон корхонаси 2 036 618,4 сўм (1 200 x 8 485,91 x 20%) миқдоридagi ҚҚСни бюджетга тўлаши керак.

ВАЗИЯТ. *Ўзбекистон корхонасининг буюртмасига кўра Россия компанияси Тошкентда турар жой мажмуасини қуриш учун лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқмоқда. Лойиҳа ишлари Россияда бажарилмоқда*

Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиб хизматлари инжиниринг хизматларига киради. Мазкур вазиятда хизматларни сотиб олувчи – Ўзбекистон корхонаси, тегишинча, Ўзбекистон реализация қилиш жойи деб эътироф этилади. Шу сабабли Россия компанияси бажарган лойиҳа ишлари қийматидан ҚҚСни Ўзбекистон корхонаси бюджетга тўлайди.



МИСОЛ. *Хорижий компаниядан инжиниринг хизматларини олиш*

Лойиҳа ишлари қиймати – 18 500 АҚШ доллари. Ҳисобварақ-фактура ёзиб берилган санадаги МБ курси – 8 485,91 сўм. Ўзбекистон корхонаси – буюртмачи 31 397 867 сўм (18 500 x 8 485,91 x 20%) миқдоридagi ҚҚСни бюджетга тўлаши керак.



ВАЗИЯТ. *Хорижда жойлашган хорижий ташкилотнинг буюртмасига кўра Ўзбекистон корхонаси матнларни ўзбек тилига таржима қилиш хизматларини кўрсатади. Қилинган таржима буюртмачига электрон почта орқали юборилади*

Матнларни таржима қилиш ахборотга ишлов бериш хизматига ўхшашига қарамай, бундай хизматлар таърифига мувофиқ келмайди. Ахборот массивларини тўплаш ва умумлаштириш, тизимлаштириш ҳамда бу ахборотга ишлов бериш натижаларини фойдаланувчилар тасарруфига тақдим этиш ахборотга ишлов бериш хизматлари деб эътироф этилади (Солиқ кодексининг 202-моддаси 4-банди). Матн таржима қилинганда санаб ўтилган хатти-ҳаракатлар бажарилмайди. Шу сабабли матнларни таржима қилиш хизматларини реализация қилиш жойини ижрочи жойлашган жойга қараб аниқланг. Мазкур ҳолатда – у Ўзбекистон корхонаси, демак, бундай хизматларга ҚҚС солинг.

- 3) ходимлар бериш, агар ходимлар сотиб олувчи ўз фаолиятини амалга ошираётган жойда ишлаётган бўлса.

Хорижий компания Ўзбекистон корхонасида ишлаш учун юборган ходимлар фақат ўзлари юборилган корхона номидан ва унинг манфаатларини кўзлаб ишласалар, хизмат ушбу тоифага киради.

ВАЗИЯТ. *Ўз мамлакатда фаолият юритаётган хорижий компания – норезидент кўшма корхона – Ўзбекистон резидентига турли давлатлардаги малакали кадрларни ҚҚда ишлаш учун танлаш бўйича хизмат кўрсатади*

Ўзбекистон хизматларни реализация қилиш жойи деб эътироф этилади, сабаби сотиб олувчи унинг ҳудудига фаолият юритади. Шу сабабли ҚҚС Ўзбекистонда тўланиши керак.

МИСОЛ. *Хорижий компаниядан ходимларни танлаш бўйича хизматни олиш*

Ўзбекистон корхонаси ишлаб чиқариш жараёнини назорат қилиш учун дастурий таъминотни (ДТ) импорт бўйича сотиб олди. Ходимларни яъни ДТ билан ишлашга ўргатиш мақсадида тегишли мутахассисларни бериш учун хорижий компания билан шартнома тузди. Мутахассисларни бериш бўйича хизматлар қиймати 10 000 АҚШ долларини ташкил этади. Хизматлар кўрсатилганлиги



СИЗ 2020 ЙИЛ УЧУН ОБУНАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШГА УЛГУРДИНГИЗМИ? ШОШИЛИНГ!!!

СИЗНИ ҚИЗИҚАРЛИ БОНУСЛАР КУТМОҚДА!

«Norma Davriy Nashrlari» МЧЖ «Солиқ ва божхона хабарлари», «Норма маслаҳатчи», «Налоговые и таможенные вести», «Норма» газеталарига 2020 йил учун обуна кампаниясини давом эттириб,

ОФИСДАН ЧИҚМАСДАН ОБУНАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Ишончли маслаҳатчингиз бўлмиш газеталарни мунтазам равишда олиб туришингиз учун биз сизга мазкур сонда чоп этилаётган оммавий офертанидан фойдаланган ҳолда 2020 йилга обунани расмийлаштиришни таклиф этамиз.

Барча обуначилар учун бонуслар*:

1. «NORMA» ўқув марказининг 2 та профессионал семинарида иштирок этиш.
2. «NORMA» ўқув марказининг семинарларида ва курсларида 30%лик чегирма билан ўқиш.

3. «Жавоб берамиз» хизмати экспертларининг бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солиш масалалари бўйича ойда бир марта оғзаки маслаҳатчи.

4. «Normalная карта–2020» дисконт картаси – «Gorod Skidok» дисконт дастурининг ҳамкор-ташкilotларида (кафе ва рестороанлар, дўкон ва сервис марказларида) иш, рўзгор ва оила учун товарлар ва хизматлар ҳақини тўлашда қатъий белгиланган чегирмалар олиш ҳуқуқини беради.

5. «Poytaxt» радиоси орқали (хоҳишга кўра FM 103,5 – ўзбек тилида ёки FM 107,2 – рус тилида) ўз раҳбари ёки бош бухгалтерини таваллуд кунлари билан кутлаш имконияти.

Обунани имтиёзли даврда (2019 йилнинг 31 августигача) расмийлаштирган обуначилар учун бонуслар*:

6. 2019 йилнинг сентябрь-декабрь ойларида «NORMA» ўқув марказининг 1 та семинарида қатнашиш.

7. «NORMA» ўқув марказида «Фойда солиғи» масофавий курсида ўқиш ҳуқуқини берадиган сертификат (1 обуна – 1 киши).

8. Дастлабки 1000 нафар обуначига – «Norma» АКТ «Солиқ навигатори-2020» ни олиш ҳуқуқи /CD-дискда/ (1 обуна – 1 CD).



*Санаб ўтилган бонуслар фақат 172, 186 индексли босма нашрларга йиллик обунани расмийлаштирган обуначиларга тақдим этилади.

Қўшимча маълумотларни (371) 200-00-30 телефони ва norma.uz сайтидан олишингиз мумкин.

«NORMA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ 2020 йил учун обуна кампаниясини бошлаб, муштарийларга «Солиқ ва божхона хабарлари», «Норма маслаҳатчи», «Налоговые и таможенные вести», «Норма» газеталарига ОФИСДАН ЧИҚМАСДАН ОБУНАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Ишончли маслаҳатчингиз бўлмиш газеталарингизни мунтазам равишда олиб туришингиз учун биз сизга мазкур сонда чоп этилаётган оммавий офертанидан фойдаланган ҳолда 2020 йилга обунани расмийлаштиришни таклиф этамиз.

ОММАВИЙ ОФЕРТА

1. «NORMA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ, бундан кейин Тахририят деб юритилади, мазкур таклиф билан Тошкент шаҳри ёки республика миқтосларида жойлашган (истисно қилинган), қуйида таклиф қилинмаётган шартларни тўлалагича (ўзи тавлаган наشرларни ҳисобга олган ҳолда) ва сўзсиз қабул қилишни билдирадиган шахс (бундан кейин – Обуначи) билан мазкур оммавий оферта шартларига мувофиқ 2020 йилга обуна шартномасини (бундан кейин – Шартнома) тузишга тайёр эканлигини билдиради. Тахририят ва Обуначи кейинги ўринларда биргаликда Тарафлар деб номланади.

2. Обуначи мазкур Шартнома шартларини қабул қилган тақдирда, унинг иловасида келтирилган шарт бўйича тулдирилган ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланган буюртманома-акцептнинг (бундан кейин – Акцепт) жўнатилиш йўли билан мазкур оммавий оферта шартлари бўйича обуна бўлишга розилиги ҳақида Тахририятни хабардор қилади. Акцептнинг барча устуунлари тўлиқ, қисқартирилмас, аниқ-равшан, босма харфлар билан тулдирилиши керак. Акцепт (371) 200-00-30 факс орқали жўнатилиши ёки Тахририятга Тошкент ш., Навоий кўчаси, 22-уй манзили бўйича келтириб берилиши мумкин.

Факсимил ёзмамалар юридик кучга эга.

3. Тахририят 2020 йил учун Акцептда кўрсатилган шартларга (Обуначининг талловига кўра) обуна қилиш мажбуриятини, Обуначи эса ун расмийлаштириш ва тўлаш мажбуриятини олади.

4. Мазкур Шартнома Тахририят Акцептни олган вақтдан бошлаб тузилган ҳисобланади ва кучга кирди ҳамда Тарафлар томонидан унинг шартлари тўлиқ бажарилишига қадар амал қилади.

5. Обуначи обуна қаймагини мазкур Шартноманинг шартларига мувофиқ 2019 йил 31 августдан кечикмасдан тўлаши шарт.

6. Обуна қаймагини тўлаш шартлари: Обуначи томонидан Тахририят ҳисоб-китоб рақамига пул маблағларини (Акцептга биноан белгиланмаган тўловнинг умумий суммасини) ўтказиш йўли билан ҳақини юз фоиз (100%) олинган тўлаш. Тўлов Тахририят кассага нақд пул билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

7. Тахририят унинг ҳисоб-китоб рақамига мазкур Шартноманинг 5 ва 6-бандлари шартлари билан назарда тутилган тартибда пул маблағлари келиб тушганидан кейин, Тахририятда Обуначидан келган Акцепт мавжуд бўлганда, мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга киришади.

8. Тахририят почта бўлими орқали республика доирасида Обуначига у томонидан Акцептда мазкур шартноманинг 3-бандига мувофиқ қайд этилган наشرларни навобдлати сон чикши билан кўрсатилган манзил бўйича етказиб беришни ташкил қилади.

9. Наشرлар ўз вақтида ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда, Обуначи тегишли почта хизматида мурожаат қилиши шарт. Почта хизмати томонидан наشرлар ўз вақтида ва тўлиқ етказиб берилиши таъминланмаган

10. Тахририятнинг 2019 йил 31 августигача расмийлаштирилган обуначилар учун бонуслар:

11. Акцепт мuddати 2019 йил 31 августгача қилиб белгиланади. Агар Тахририят томонидан Акцепт ва пул маблағлари ушбу мuddатдан кечроқ олинган бўлса, Шартнома тузилмаган деб ҳисобланади, Тарафларда у бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар юзга келмайди. Бундай ҳолда пул маблағлари Обуначига қайтарилди.

12. Шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун Тарафлар ўзбекистон Республикасининг қонуни ҳужжатларига мувофиқ жавобдор бўлади.

13. Обуначи томонидан Акцептда унинг манзили нотўғри кўрсатилганили сабабли наشرларини етказиб бериш юзасидан Шартнома шартлари бажарилмаганлиги учун Тахририят Обуначи олдига жавобдор бўлмайди.

14. Тарафлар Шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун, агар бу Шартнома тузилганидан кейин, Тарафлар олдидан кўра олманган, оқилона чоралар билан олдидан ололмаган рақубуллада тусудай воқеалар натижасида енгил бўлмас куч ҳолатлари (форс-мажор) бошланиши оқибатида юз берган бўлса, жавобдор бўлмайди.

15. Форс-мажор ҳолатларининг бошланганили тўғрисида Тарафлар бир-бирларини улар бошланган пайдан бошлаб 7 (етти) иш куни мобайнида хабардор қилишлари керак.

16. Мазкур Шартномани бажариш чоғида вужудга келадиган барча низо ва келишмовчиликларни Тарафлар музокара билан йўли билан, шу жумладан талабнома юбориш йўли билан ҳал этиладилар. Келишувга эришмаган тақдирда низо сул тартибиде ҳал этилади.

17. Мазкур оммавий офертанинг амал қилиш мuddати – 2019 йил 31 августгача.

18. ТАХРИРИЯТ РЕКВИЗИТЛАРИ:
«NORMA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ
100105, Тошкент ш., Таллимаржон кўча, 1/1
Обуна бўлими: 100011, Тошкент ш., Навоий кўча, 22
Х/р: 2020 8000 3008 7382 7001.
Тошкент ш. «KDB Bank Uzbekistan» банкда
МФО 00842
СТИР 305504530, ИФУТ 58130
ҚҚС тўловларининг рўйхатдан ўтказиш коди:
326010039431.
Тел./факс (371) 200-00-30.

Баҳодир КАЮМОВ,
«NORMA DAVRIY NASHRLARI»
МЧЖ директори.

✉ ПОЧТА ҚУТИСИ

АВТОМОБИЛНИ ВАҚТИНЧА ОЛИБ КИРИШ

? Грузияда ишончнома бўйича расмийлаштирилган машинани Ўзбекистон ҳудудига олиб кириш учун қандай ҳужжатлар ва қондаларга амал қилиш керак?
Қонунчиликни бузмасдан мамлакат ичкарасига кириш учун нималар зарур?

Д. У.

? Вақтинча олиб кириш режимида расмийлаштирилган автомобилдан унинг эгасидан бошқа бирор шахс ишончнома асосида нотижорат мақсадида фойдалана оладими? Бу қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солинади?

В. Цай.

– Транспорт воситаларини нотижорат мақсадларида мамлакат божхона ҳудудига божхона тўловлари тўлашдан овоз этилган ҳолда вақтинча олиб кириш фақат чет эллик жисмоний шахсларга йўл қўйилади. Бунда транспорт воситаси чет давлат ҳудудига рўйхатдан ўтказилган бўлиши керак (БКнинг 158-моддаси).

Вақтинча олиб кириш божхона режими шундай режимки, бунда товар божхона ҳудудига муайян муддатга олиб кирилади ва божхона тўловларидан шартли овоз этилган ёки даврий божхона тўловлари тўланган ҳамда иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмаган ҳолда ундан вақтинча фойдаланилади.

Товар божхона органи томонидан бериладиган рухсатнома асосида БК 21-бобининг қондаларига мувофиқ куйидаги талаблар ва шартларга риоя қилинганда вақтинча олиб кириш божхона режимига жойлаштирилади:

- вақтинча олиб кирилаётган товарнинг божхона органи томонидан идентификацияланиши мумкин бўлганда;

- агар товар ваколатли органлар томонидан назорат қилиниши лозим бўлса, ушбу органларнинг рухсатномалари божхона органининг ахборот тизимида мавжуд бўлганда.

Ўзбекистоннинг юридик ва жисмоний шахслари томонидан олиб кириладиган автотранспорт воситалари вақтинча олиб кириш божхона режимига жойлаштирилиши мумкин эмас, бундан халқаро юк ташишни амалга ошириш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида ва халқаро шартномаларида белгиланган ҳоллар мустасно (БКнинг 61, 62-моддалари).

Товарни вақтинча олиб кириш

божхона режимига жойлаштириш учун декларант божхона органига божхона юк декларациясини ва товарнинг кузатув ҳужжатларини тақдим этади.

Рухсат этиш хусусиятига эга тегишли ҳужжатлар бўлган тақдирда вақтинча олиб кириладиган товарга нисбатан божхона органининг ахборот тизимида бундай ҳужжатлар мавжудлигини божхона органи мустақил равишда текширади (БКнинг 63-моддаси). Бу, хусусан, автотранспорт воситаларига ҳам тааллуқли.

Транспорт воситасидан тижорат мақсадларида – божхона назоратида турган товарларни ва (ёки) йўловчиларни ҳақ эвазига ташиш учун фойдаланилган тақдирда, у божхона расмийлаштируви амалга оширилган пайтдан эътиборан, тегишинча вақтинча олиб кириш божхона режимига ушбу божхона режимлари шартларига шахсларнинг риоя этиши мажбуриятлари билан жойлаштирилган товар сифатида қаралади. Бунда мазкур транспорт воситасини вақтинча олиб кириш божхона режимига ёки вақтинча олиб чиқиш божхона режимига жойлаштириш рухсатномаси олиш талаб этилмайди (БКнинг 144-моддаси).

Бунда тижорат мақсадларида фойдаланиладиган, транспорт воситаси билан бирга ташиладиган стандарт эҳтиёт қисмлар, ашёлар ва ускуналар, стандарт бақлардаги мойлаш материаллари ва ёкилиги, шунингдек ашё-анжомлар божхона мақсадлари учун мазкур транспорт воситасининг ажралмас қисми деб қаралади. Ашё-анжомларга куйидагилар қиради:

- ҳаракатланиш йўлида ёки оралик тўхтаб ўтиш ёхуд тўхтаб туриш жойларида дарё ва ҳаво кемалари, поездлар, шунингдек автотранспорт воситалари нормал ишлатилишини



ҳамда уларга техник хизмат кўрсатилишини таъминлаш учун зарур бўлган товарлар;

- дарё ва ҳаво кемаларининг бортида, автотранспорт воситаларида йўловчилар ва экипажлар аъзолари истеъмол қилиниши учун ёки поездларда йўловчилар ва поезд бригадаларининг ходимлари истеъмол қилиниши учун мўлжалланган товарлар, бу ашё-анжомлар сотилишидан ёки сотилмаслигидан қатъи назар;

- дарё ва ҳаво кемаларининг, поездларнинг, шунингдек автотранспорт воситаларининг йўловчиларига ҳамда экипаж аъзоларига мазкур ашё-анжомларини транспорт воситаларида истеъмол қилиш мақсадисиз сотиш учун мўлжалланган товарлар (БКнинг 143-моддаси).

Тижорат мақсадларида фойдаланиладиган транспорт воситасини божхона тўловлари тўлашдан шартли овоз этилган ҳолда божхона ҳудудига вақтинча олиб киришга куйидаги ҳолларда йўл қўйилади, агар у:

- чет давлат ҳудудига рўйхатдан ўтказилган бўлса;

- товарларни ва йўловчиларни тижорат мақсадида ташиш учун фойдаланилаётган бўлса;

- божхона ҳудудига чет эллик шахс ёхуд чет эллик шахс ваколат берган ЎзР юридик ёки жисмоний шахси томонидан олиб кирилаётган бўлса;

- ижара шартномасининг предмети ёки мазкур транспорт воситасига бўлган ҳуқуқни ЎзРнинг юридик ёки жисмоний шахсига транспорт операциясини транспорт воситасини божхона ҳудудидан қайтариб олиб чиқиш йўли билан тугаллашдан ўзга мақсадда ўтказишни назарда тутувчи бошқа шартнома предмети бўлмаса.

Вақтинча олиб кирилган транспорт воситасига нисбатан мулк ҳуқуқи ЎзРнинг юридик ёки жисмоний шахсига ўтган бўлса, тегишли божхона режимига жойлаштирилиши лозим.

Транспорт воситаси юқорида назарда тутилган шартларга мувофиқ бўлмаган ҳолларда, шунингдек божхона тўловларини тўлашдан шартли овоз этишни қўллаш шартларига риоя этилмаган тақдирда, транспорт воситасига белгиланган тартибда даврий божхона тўловлари қўлланиладиган вақтинча олиб кириладиган товар сифатида қаралади (БКнинг 145-моддаси).

Маълумот учун. Вақтинча олиб кирилган тижорат мақсадларида фойдаланиладиган транспорт воситалари билан божхона ҳудудига улардан фойдаланилаётганда зарур бўлган таъмирлаш ёки техник хизмат кўрсатиш операцияларини бажаришга йўл қўйилади (БКнинг 147-моддаси).

Автомобилга ишончнома хусусида

Вақтинча олиб кирилган товардан уни вақтинча олиб кириш божхона режимига жойлаштирган шахсга фойдаланиши ва (ёки) уни тасарруф этиши мумкин.

Вақтинча олиб кирилган товардан фойдаланиш ва (ёки) уни тасарруф этиш ҳуқуқини вақтинча олиб кириш божхона режимининг амал қилиши тугагунига қадар бошқа шахсга ўтказишга, башарти ушбу шахс божхона органи олдида ушбу божхона режими шартларига бундан буён ҳам риоя этилиши бўйича ёзма мажбуриятларни ўз зиммасига олса, йўл қўйилади.

Агар товар даврий божхона тўловлари тўланган ҳолда вақтинча олиб кирилган бўлса, уни даст-

лаб вақтинча олиб кириш божхона режимига жойлаштирган шахс товар вақтинча олиб кириш божхона режимига турган бутун давр учун божхона тўловларини бундай ҳуқуқ бошқа шахсга ўтказиладиган пайтга қадар, Божхона кодекси 66-моддасининг 1-қисмига мувофиқ тўлаши керак.

Вақтинча олиб кириш божхона режими шартларига риоя этишга доир ҳуқуқ ва мажбуриятлар товарни вақтинча олиб кириш божхона режимига жойлаштириш учун бошқа шахс тақдим этган божхона декларацияси божхона органи томонидан қабул қилинган пайтдан эътиборан бошқа шахсга ўтказилган деб ҳисобланади (БКнинг 67-моддаси).

Маълумот учун. Вақтинча олиб кирилган товарни бошқа шахсга ўтказилганлиги дастлаб белгиланган вақтинча олиб кириш мuddатини тўхтатиб турмайди ва узайтирмайди.

РЕКЛАМА

«КОРХОНА ЮРИСТИ»



электрон маълумотнома тизимини ЎЗБЕК ТИЛИДА тақдим этамиз
Тошкент ш., Миробод тумани, Таллинмаржон кўч., 1/1.
Тел. (71) 200-00-90. E-mail: office@orma.uz, web: www.orma.uz

«Божхона» бўлимини махсус мухбиримиз Гулнора АБДУНАЗАРОВА олиб боради.

✓ МАЪНАВИЯТ ДАРСЛАРИ

Бугун ахборот технологиялари тараққий этиб, божхона тизими электрон хизмат турларини кенг қўллаётганига қарамай, соҳада инсон омили сақланиб қолаётган ўринлар ҳали бор. Масалан, божхона постларида кишилар божхоначилар билан бевосита мулоқотга киришади.

БОЖХОНАЧИ МУОМАЛАНИ БИЛИШИ ШАРТ(МИ)?



Ана шу мулоқотларда хизмат вазифасини ўтаётган божхоначидан ҳам ҳолис, совуққон, жиддий бўлиш, ҳам яхши муомалани йўқотмаслик талаб этилади. Сирдарё вилояти божхона бошқармасида бўлиб ўтган учрашувда божхона органлари ходимларининг фуқаролар билан бўладиган муносабатларида муомала маданияти ва одоб-ахлоқ қоидалари мавзусида сўз юритилди.

Сухбатда Сирдарё вилояти имом хатибининг ўринбосари Ф.Раҳмонов юрт химояси ажодлардан мерос муқаддас вазифа эканлигини алоҳида таъкидлаб, эл-юрт тинчлиги ва осоишталлигини асраш йўлида жасорат кўрсатган улуғ ажодларимизнинг ҳаёт-фаолиятларидан мисоллар келтирди, буюк саркардалар, тежурий шахзодаларнинг ҳаётдан ҳикоя килувчи ибратли ривоятлардан сўзлаб берди.

Вилоят Маънавият тарғибот маркази маърифат тарғиботчиси Д.Жарбекова ўз маърузасида китоб ва китобхонлик ҳақида сўз юритиб, мутлола инсон кўнглига ёруғлик ва эзгулик улашувчи маёқ, олис йўлда ишончли ҳамроҳ, ҳаёт синовларини мардонавор енгилда беминнат маслаҳатчи эканлигини ҳаётий мисоллар орқали тушунтириб берди.

У.ШОДМОНҚУЛОВ,

Сирдарё вилояти божхона бошқармаси Ўз хавфсизлиги гуруҳи катта тезкор вақили.



КОНУНЕУЗАРЛИКЛАР ФОШ ЭТИЛДИ

«ТЎҚИМА ИМТИЁЗ» ДАН ФЙДАЛАНИБ...

корхоналар «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасига нима сабабдан аъзо бўлишган?

Маълумки, юртимиз иқтисодийтини янада ривожлантириш мақсадида тадбиркорлик субъектларига божхона тўловларидан турли имтиёзлар қўлланилиб келинмоқда. Аммо гуруҳинг орасида сув ичишни касб қилган айрим сохта тадбиркорлар берилаётган имтиёزلарни «ўзлаштириб» олишга уриниб кўрмоқчи бўладилар.

Наманган вилоятида фаолият кўрсатувчи масъулияти чекланган жамиятлардан бирининг фаолияти ўрганилганда корхона раҳбари Ю.С. ўзи тузган ташкилотни божхона тўловларидан имтиёз олиш мақсадида «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасига аъзо бўлишига эришади. 2018–2019 йиллар давомида оғирлиги 79 873 кг ни ташкил этувчи тўқимачилик товарларини мамлакатимизга олиб келиб, 904 млн сўмдан ортик божхона тўловларидан имтиёз олишга муваффақ бўлади. Энг ачинарлиси – номи бор-у ўзи йўқ ушбу корхонада ишлаб чиқариш жараёни йўлга қўйилмаган, лекин божхона имтиёзлари суиистеъмол қилинган.

Андижон вилоятида фаолият кўрсатётган масъулияти чекланган жамиятлардан бирининг раҳбари Б.А. «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасига аъзо бўлгандан сўнг 2018–2019 йиллар давомида умумий қиймати 59 648 АҚШ долларига тенг бўлган тўқимачилик товарларини юртимизга олиб келган. Гўёки ишлаб чиқариш фао-

лиятини йўлга қўйиш мақсадида олиб келинган махсулотлари учун 1 млрд 396 млн сўмдан ортик суммада «озод этилган». Аммо текширув давомида ушбу ташкилот ҳеч қандай ишлаб чиқаришни йўлга қўймаган ва имтиёзлардан нотўғри фойдаланган.

Вилоят ҳудудида ташкил этилган яна иккита МЧЖ раҳбарлари Р.О. ва А.Р. ҳам қўнғир йўлни танлашган: улар хориждан олиб келинаётган товарлари учун божхона тўловларини тўламаслик мақсадида гўёки ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш учун ўзлари томонидан тузилган ташкилотларни «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасига аъзо қилишди ва олиб келган махсулотлари учун жами 550 млн сўмдан ортик имтиёзни қўлга киритишди.

Давлатимиз томонидан берилаётган имтиёзлардан ўз манфаати йўлида ноқонуний фойдаланган қонунбузарларнинг ҳийлалари иш бермади.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари бошлаб юборилган.

ДБК Ахборот хизмати.

ЭЪЛОН

ИХТИСОСЛАШГАН КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Божхона институти институт курсантларини озиқ-овқат билан таъминлашни ташкил қилиш бўйича аутсорсинг хизматларини жорий қилиш бўйича

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тендерда Аутсорсинг бўйича умумий оватқатлини соҳасида камида уч йил фаолият олиб борган юридик шахслар (Ўзбекистон Республикаси резидентлари) қатнашиши мумкин.

1. Буюртмачининг (тендер комиссияси) номи ва манзили:

«Давлат божхона кўмитасининг Божхона институти» Манзил: *Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Қозиробод 2-тор кўчаси, 118-уй.*

Тел.: (+998 71) 227-46-56, факс: (+99871) 245-10-51.

E-mail: ohbi@customs.uz

2. Тендер предмети: Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси Божхона институти курсантларининг оватқатлини тизимини Аутсорсинг шартларида ташкил этиш.

3. Тендернинг чекланган нархи: 2019–2020 ўқув йили учун 3 000 000 000 сўм.

4. Тендер савдолари бўлиб ўтадиган манзил ва жой: *Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Қозиробод 2-тор кўчаси, 118-уй, Божхона институти.*

5. Тендер комиссияси тендер савдолари доирасида унда

иштирок этувчиларнинг малака танловини ўтказди. Савдоларда иштирок этувчиларга қуйидаги талаблар қўйилади:

- зарурий ҳужжатлар тўпламини белгиланган муддатда малакавий танлов учун тақдим этиш;
- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик даврида бўлмаслиги;
- «Буюртмачи» билан суд ва арбитраж инзолашувида бўлмаслиги;
- Виждонсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилмаган бўлиши;
- умумий оватқатлини соҳасида камида 3 йил фаолият олиб борган бўлиши;
- аутсорсинг хизмати бўйича камида бир ойлик шартнома суммасига тенг айланма маблағларга эга бўлган бўлиши;
- молиявий аҳволи барқарорлиги, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги бўлмаслиги;
- стационар ва дала шароитида аутсорсинг хизматини кўрсатиш учун етарли моддий-техника ва логистика базасига эга бўлган бўлиши;
- ўзининг штат бирлигида старли даражада тажриба ва

малакага эга бўлган ходимларнинг мавжудлиги (оватқатлини соҳасида камида 3 йил бўлган).

6. Тулов шартлари ҳамда тендер ҳужжатларини расмийлаштириш юзасидан маълумотлар тендер ҳужжатларида кўрсатилган.

7. Тендер таклифларини расмийлаштириш шакллари (тендер таклиф қафолати) тендер ҳужжатларида кўрсатилган.

8. Жавобгар шахс: Курбанов Фуркат Хусанович, лавозими: моддий-техник таъминот ва капитал таъмирлаш бўлими инспектори. Тел.: (+99871) 227-46-56 (ички: 42-82); E-mail: furikdjan@gmail.com.

9. Тендер савдолари бўйича тижорат таклифлари Тошкент вақти билан 17.00 га қалар қабул қилинади, таклифларни қабул қилиш манзили Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Қозиробод 2-тор кўчаси, 118-уй. Тендер савдолари бўйича тижорат таклифларини қабул қилиш яқуний муддати daxrid.uzex.uz биржа электрон савдолари порталида тендер савдолари эълон қилингандан сўнг 30 кун.

10. Тендер савдолари учун тендер ҳужжатларининг тўлиқ жамланмаси daxrid.uzex.uz биржа электрон савдолари порталида эълон қилинган.



Молиявий-иқтисодий, ахборот-хуқуқий газети

ТАЪСИСЧИ
«Norma» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган.
Рўйхатдан ўтиш тартиби рақами 0046.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОЕВ
Нашр учун масъул –
бош муҳаррир ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия Саидмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

МАНЗИЛИМИЗ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1
ТЕЛЕФОН/ФАКС
Тахририят: (71) 200-00-90;
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz, web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини етказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-30; «Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90; рекламани жойлаштириш бўйича (71) 283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин.

Газета ношир – «ТОПРИНТ» М-ДЖнинг компьютер базасида теригиди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичлари: «СБХ» – 186, «НТВ» – 165. Қўғоз бичими – А3. Ҳажми – 4 босма таъбоқ. Баҳоси қилинган нарҳда. Буюртма r-815. Адади 795. Газета 2019 йил 9 август соат 18.00 да топширилди.